

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ**  
**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ГЕОГРАФИЯ КАФЕДРАСИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

**ТОЖИМАМАТОВ НУРИТДИН ИСОМИДИН ЎҒЛИ**

**МАВЗУ: “ЖАҲОН УРБАНИЗАЦИЯСИ” МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА**  
**КЕЙС-СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ**

5140600-география таълим йўналиши бўйича бакалавр академик даражасини  
олиш учун ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар:**

География фанлари номзоди,  
доцент Р.Б.Қодиров

**Андижон - 2017**

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ</b> .....	<b>3</b>
<b>БИРИНЧИ БОБ. “ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯСИ” ФАНИДА КЕЙС-СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИ</b> .....	<b>7</b>
1.1. Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси фанида кейс-стади технологияси ва уни таълим жараёнига татбиқ этишнинг дидактик аҳамияти.....	7
1.2. Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси фанини ўқитишдаги “Case-study” услуби таълим технологияси ва илғор ҳорижий тажрибалар.....	19
<b>ИККИНЧИ БОБ. “ЖАҲОН УРБАНИЗАЦИЯСИ” МАВЗУСИДАН ЎҚУВ МОДУЛИНИНГ ИШЛАНМАСИ</b> .....	<b>25</b>
2.1. “Жаҳон урбанизацияси” модули бўйича маъруза матни.....	25
2.2. “Жаҳон урбанизацияси” мавзусидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар.....	41
<b>ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР</b> .....	<b>57</b>
<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	<b>59</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	<b>63</b>

## КИРИШ

**Битирув малакавий ишининг долзарблиги.** Республикамизда амалга оширилаётган ислохотлар таълим-тарбия жараёнини сифат жиҳатдан тамомила янги даражага кўтаришни тақозо этмоқда. Шахс манфаати ва таълим устуворлиги ушбу ислохотларнинг асосий таълим-тарбия ишларига эътиборни кучайтириш, ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол шахс қилиб тарбиялашга қаратилган. Шахсни тарбиялаш — “Таълим тўғрисида”ги қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим тизими ходимлари зиммасига ўта масъулиятли вазифалар юклайди. Бу вазифани амалга ошириш жараёни ўқувчиларни ўқитишга янгича ёндашиш, ўқитувчиларни ўз касбига ва таълим олувчиларга ўта талабчанлик билан муносабатда бўлишни тақозо этади.

Педагогик жараёнларда замонавий, дарсга эса янгича усулларнинг лойиҳасини татбиқ этиш асосий вазифалардан бирига айланмоқда. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлаб ўтган эди: “Такрор айтишга тўғри келади, таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, интернет тизими, рақамли ва кенг форматли телекоммуникацияларнинг замонавий усулларини ўзлаштириш, бугунги тараққиёт даражасини белгилаб берадиган бундай илғор ютуқлар нафақат мактаб, лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларига, балки ҳар қайси оила ҳаётига кенг кириб бориши учун замин туғдиришнинг аҳамиятини чуқур англаб олишимиз лозим”<sup>1</sup>.

Таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган кўплаб қарорларда замонавий фикрловчи педагогик кадрлар тайёрлашга, таълим жараёнида илғор педагогик услуб (“Case-study” услуби, лойиҳалар услуби, ҳамкорликда ўқитиш, “амалий ўйин”, интерфаол таълим услуби ва бошқалар) ва ахборот –

---

<sup>1</sup>Каримов И. А. Асосий вазифамиз-Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010.- Б. 61.

коммуникация технологиялари, шунингдек, электрон таълим ресурслари ва мультимедиа тақдиротларидан фойдаланишни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилишига урғу берилган. Мана шундай замонавий педагогик технологиялардан бири – кейс-стадидир.

“Case-study” – аниқ иқтисодий ва ижтимоий вазиятларнинг тавсифидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида фаолият кўрсатаётган ёшлар мустақил фикрлайдиган, муаммоли вазиятларда мустақил қарорлар қабул қила оладиган бундай вазиятларни тўғри баҳолаб, улардан чиқиб кета оладиган сифатларга эга бўлишлари зарур. Ёшларда ана шундай сифатларни ўқув-тарбия жараёнида педагогик вазиятли масалаларни ечишга қаратилган – кейслардан фойдаланилган машғулотларда шакллантириш ва ривожлантириш мумкин.

Юқорида келтирилган ҳолатлар мазкур битирув лойиҳа ишнинг мавзусининг **долзарблигини** белгилайди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда урбанизация ва унинг минтақавий хусусиятлари оид назарий ва амалий масалалар билан бир қатор таниқли олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борганлар. Улар орасида О.Б.Ата-Мирзаев, А.А.Қаюмов, А.С.Солиев, Х.Салимов, Э.Аҳмедов, Ю.Аҳмадалиев, З.М.Акрамов, Т.Раимов, З.Раимжонов, Ш.Азимов, Т.Маллабоев, С.Зокиров, Р.Б.Қодировларнинг илмий ишлари диққатга сазовордир.

**Битирув малакавий ишининг мақсади.** Жаҳон географияси (Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси) фанида “Жаҳон урбанизацияси” мавзусини ўқитишда кейс-стади технологиясини қўллаш орқали ҳолда самарали дарс ўтиш, мана шунинг натижасида ўқувчиларга модулни тезроқ етказиш, уларнинг хотирасида ўтилган модулни узоқ сақлаб қолиш мазкур БМИ нинг асосий мақсади ҳисобланади.

**БМИ нинг илмий янгилиги.** Олий таълим муассасаларида “Жаҳон географияси (Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси)” фанига оид мавзуларни замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида ташкил этиш, методик жиҳатдан ўқувчиларда ўтилган мавзунини мазмунли қилиб тушунтириш. Фанга оид мавзуларни ўқишда кейс-стади ва интерфаол методлардан фойдаланиш, ўқувчиларнинг фанга бўлган қизиқишларини янада орттириш, хотирасида узоқ вақт сақланиб қолиш йўллари кўрсатиш, аниқ муаммоли вазиятларнинг ижобий ечимини топиш йўллари излаб топишдан иборат. Бу усуллар ишнинг асосий илмий янгилиги ҳисобланади.

**БМИ олдига қўйилган вазифалар.** Ишнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- Кейс-стади технологияси ва уни таълим жараёнига татбиқ этишнинг дидактик аҳамияти;
- “Жаҳон урбанизацияси” мавзусини ўқитишда кейс-стади технологияларидан фойдаланиш усулларини ёритиш;
- Жаҳон урбанизацияси ва унга хос хусусиятлар;
- Урбанизациянинг минтақавий тавофутларини иқтисодий географик жиҳатдан таҳлил қилиш.
- олий таълим муассасаларида “Жаҳон географияси” (Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси) фанини ўқитишни янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишининг объекти.** Ишнинг объектини Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасаларининг география бакалавриат йўналиши ўқувчиларида ўқитилаётган “Жаҳон географияси” (Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси) фани бўйича назарий масалалар ва ташкилий характерга эга бўлган ҳужжатларни ўрганиш ташкил этади.

**Мавзунинг предмети** олий таълим муассасаларида Жаҳон географияси (Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси) фанидан кенг миқёсда

Ўқитиладиган муҳим мавзулари ҳисобланган “Жаҳон урбанизацияси” мавзусини мазмун моҳиятини ўрганиш ҳамда уни назарий ва амалий тадқиқ этиш ҳисобланади.

**Тадқиқот методлари.** Мавзуни тадқиқ этишда картографик, таққослаш, кузатиш, тизим-таҳлил, баланс, тавсифлаш, тарихий, статистик каби бир қатор методлардан фойдаланилди.

**Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми.** Мазкур иш кириш, икки боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган. Ишнинг ҳажми 66 бетдан иборат.

# БИРИНЧИ БОБ. “ЖАҲОН ИҚТИСОДИЙ-ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯСИ” ФАНИДА КЕЙС-СТАДИ ТЕХНОЛОГИЯСИ

## 1.1. Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси фанида кейс-стади технологияси ва уни таълим жараёнига татбиқ этишнинг дидактик аҳамияти

Сўнги вақтларда “Case-study” методи хорижий мамлакатлар таълими амалиётида муваффақиятли қўлланиб келинмоқда ва бугунги кунда республика таълимида ҳам тобора оммалашиб бормоқда. Шу сабабли ушбу метод (технология) моҳияти ҳақида маълумот бериб ўтамиз.

**Кейс** услуги (инглизча *Case method* – кейс-услуг, “*Case-study*” - кейс стади, аниқ вазият услуги, вазиятли таҳлил услуги) – реал иқтисодий, ижтимоий ва бизнес вазиятларнинг тавсифларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларда аниқ кўникмаларни шакллантириш техникасидир. Ўқувчилар вазиятни таҳлил қилишлари, муаммо моҳиятини тушунишлари, мумкин бўлган ечимларни таклиф этишлари ва уларнинг энг яхшиларини танлашлари керак. Кейслар реал вазиятларга яқин бўлган материалларга асосланади [Ш., 1].

**“Кейс-стади” технологияси** (ингл. “*case*” – чемодан, метод, “*study*” – муаммоли вазият; вазиятли таҳлил ёки муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш):

- 1) ўқувчиларда аниқ, реал муаммоли вазиятни таҳлил қилиш орқали энг мақбул вариантларини топиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган технология;

- 2) реал вазиятларни баён этишда қўлланиладиган ўқитиш техникаси.

Технологиянинг асосий **вазифалари** қуйидагилардан иборат:

1. Таҳлил кўникмалари ва танқидий тафаккурни ривожлантириш.
2. Назария ва амалиёт бирлигини таъминлаш.
3. Муаммо юзасидан турли қарашлар ва ёндашувларни намоёни қилиш.

4. Қарорлар қабул қилиш ва унинг оқибатларига доир мулоҳазаларни тақдим этиш.

5. Ноаниқликлар мавжуд бўлган шароитда муқобил вариантларни баҳолаш кўникмаларини шакллантириш[Ш., 1].

### ✓ Кейс-стади технологияси ҳақида тушунча

**Кейс - стади** (ингл. case – аниқ вазият, study – ўқитиш) – бунда синакам вазиятга асосланган, талаба юзма-юз келган, топширилган вазиятдан иложини топиб чиқиб кетиши ёки тўғри қарор қабул қилиши лозим. Муаммонинг ҳал бўлишидан аввал қидирув, таҳлили, кўшимча маълумотдан фойдаланиб фаразларни илгари суриш, назарий билимлардан фойдаланиш ва амалиётга тадбиқ қилиш каби фаолиятлар бажарилади.

Кейс-стади ўз белгилари билан қуйидагиларни мўлжаллайди:

- вазиятда қатнашувчилар (талаба);
- ҳолат шартлари билан таништирувчи раҳбар (ўқитувчи);
- чинакам, ҳақиқатга яқин, аниқ бўлган муаммо ва масалаларни кўрсатувчи вазиятни мўлжаллайди.

Олинадиган натижа хилига маълумот манбаси бўйича шахсга маълумот бериш (тақдимот). Ўқитувчи субъект бўлиб, талабалар – вазият қатнашувчиларидир.


Маълумот манбаи реал (ҳақиқий) вазиятдир. Олинадиган натижа – муаммо – саволнинг ечилиши, бажарилиши.

Дарҳақиқат, кейс-стади тингловчиларни ҳар қандай мазмунга эга вазиятни ўрганиш ва таҳлил қилишга ўргатади. Унинг негизида муайян муаммоли вазиятни ҳал қилиш жараёнининг умумий моҳиятини акс эттирувчи элементлар ётади. Булар қуйидагилардир: таълим шакллари, таълим методлари, таълим воситалари, таълим жараёнини бошқариш усул ва воситалари, муаммони ҳал қилиш юзасидан олиб борилаётган илмий



изланишнинг усул ва воситалари, ахборотларни тўплаш, уларни ўрганиш усул ва воситалари, илмий таҳлилнинг усул ва воситалари, ўқитувчи ва тингловчи (тингловчи) ўртасидаги таълимий алоқанинг усул ва воситалари, ўқув натижалари[Ш., 3].

### Ўқув жараёнини кейс технологияси асосида ташкил этиш босқичлари



Аниқ вазиятлар услуби (“Case-study”) ўйинли бўлмаган имитацион фаол ўқитиш услублари қаторига киради.

“Case-study” услубининг мақсади – ўқувчилар гуруҳининг умумлашган кучи билан ишнинг аниқ ҳолатидан келиб чиқадиган вазиятни, яъни аниқ иш жараёнида намоён бўладиган “Case”ни таҳлил қилиш, амалий ечимларини ишлаб чиқиш ва уларни тақдимот этишдан иборат. Жараённинг тугаши – тақлиф этилган вариантларни баҳолаш ва уларнинг ичидан энг самаралисини танлаб олишдир[Ш., 5].

Кейс-стади қуйидагиларни назарда тутаяди:

- тижорат амалиётидан ёзма кўринишда тайёрланган кейсга мисол;
- кейсни ўқувчилар томонидан мустақил ўрганиш ва муҳокама қилиш;

– аудиторияда ўқитувчи раҳбарлигида кейсни биргаликда муҳокама қилиш;

– “муҳокама жараёни ечимига қараганда муҳимроқ” тамойилига риоя қилиш (ушбу услубнинг алоҳида хусусияти – реал ҳаётдан олинган далиллар асосида муаммоли вазиятлар яратишдир);

“Case-study” услуби ижтимоий-иқтисодий ҳаётда вужудга келган ҳақиқий ҳолат (мезонлари)ни намойиш этади.

**Ҳодисалар услуби.** Бу услубнинг диққат марказида ахборот олиш ётади. Услубнинг мақсади – ўқувчиларни мустақил ахборот излашга, уларни ахборотлар билан ишлашга, тўплашга, тизимлаштиришга ва таҳлил қилишга ўқитишдир.

Ўқувчилар кейсни тўла бўлмаган ҳажмда оладилар. Маълумот: “... бўлди” ёки “... юз берди” каби ёзма ёки оғзаки бўлиши мумкин. Ишнинг бундай шакли кўп вақт талаб этса-да, уни ахборот олиш ҳамда қарор қабул қилиш жараёнининг муҳим қисмини ташкил этадиган, амалиётга тахминан яқинроқ, деб ҳисоблаш мумкин.

**Кейс – стади услубининг ривожланиш тарихи.** “Case-study” технологияси дастлаб 1870 йилда АҚШнинг Гарвард университетининг ҳуқуқ мактабида таълим жараёнида қўлланилган. Кейсларнинг илк тўплами 1920 йилда бизнес ҳақидаги Гарвард университети ҳисоботлари асосида чоп этилган. Гарвард бизнес мактаби ўқитувчилари бизнес йўналишида ўқиётган аспирантларининг дастурига мос дарсликлар мавжуд эмаслигини тезда тушундилар. Уларнинг ушбу муаммони ҳал этиш бўйича қабул қилган биринчи қарорлари бизнес бўйича етакчи амалиётчилардан интервью олиш ва бу менежерлар нима билан шуғулланганликлари, шунингдек, уларнинг фаолиятига таъсир этадиган омиллар ҳақида тўла-тўқис ҳисобот ёзишдан иборат бўлди. Тингловчиларга танишиш ва мустақил ҳамда жамоавий равишда муҳокама мобайнида ечимини топиш учун реал ташкилот фаолиятида вужудга келган аниқ бир вазиятнинг тавсифи берилган.

Университет амалиётида “Case-study” услуги 1980-йиллардан эътиборан иқтисод ва бизнес фанларини ўқитиш амалиётида қўлланилиб келинмоқда ва кундан-кунга унинг тарафдорлари сони кўпаймоқда[Ш., 1].

XX асрнинг 50-йилларидан эътиборан бизнес-кейслар Ғарбий Европада ҳам кенг тарқалди. Кейсларни тўплаш ва таълим муассасаларига тарқатиш бўйича сардор 1973 йили 22 ОТМ ташаббуси билан яратилган The Case Clearing House of Great Britain and Ireland ҳисобланади. 1991 йил йилдан унинг номи European Case Clearing House (ЕССН) деб юритиладиган бўлди. ЕССН дунёнинг турли давлатларида жойлашган кейсларни тақдим этувчи ва фойдаланувчи ташкилотлар билан алоқада бўлган нотижорат ташкилот ҳисобланади. Ҳозирги кунда ЕССН таркибига 340 та ташкилот, шу жумладан, The Harvard Business School Publishing, Лозаннадаги Менежментни ривожлантириш институти (ИМБ), Швейцариядаги INSEAD, Франциянинг Фонтенблосидаги, Испаниянинг Барселона шаҳрида жойлашган IESE, Англиянинг Лондон бизнес-мактаби, шунингдек, Кранфилддаги менежмент мактаблари киради. Европанинг INSEAD, LBS, НЕС, LSE, ESADE каби баъзи йирик бизнес-мактаблари кейслардан нафақат ўқитишда фойдаланиш, балки уларни ишлаб чиқишда ҳам фаол ҳаракат қилади. Ушбу мактабларнинг ҳар бири кейс коллекцияларига эга[Ш., 1].

Уларнинг кейсларини таълим муассасаларига фақат ЕССН тарқатиш ҳуқуқига эга.

Бугун таълимда “Case-study” услуги етакчи ўринни эгаллади, ундан хорижнинг бизнес-таълим амалиётида фаол равишда фойдаланилмоқда ва ўқувчиларга типик муаммоларни ҳал этиш малакаларини ўрганишда энг самарадор услублардан бири ҳисобланади. Масалан, Гарвард бизнес мактаби, “Case-study” услуги бизнесга ўқитишда устувор аҳамиятини йўқотмаган ҳолда ўқув вақтининг қарайб 90 фоизини аниқ кейсларни таҳлил қилишга ажратади. Гарвард услугиёти бўйича вазиятли ўқитиш – бу видеоматериаллардан, компьютер ва дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда ташкил этиладиган

тингловчиларнинг жадаллаштирилган тренингидир. Гарвард ёки бошқа ихтиёрий бизнес-мактабнинг ўртача статистик ўқувчиси ўзининг ўқиш даврида юзлаб кейсларни “ишлаб чиқадилар”. Гарвардда ҳар йили юзлаб янги кейслар, кейслар коллекциясига услубий қўлланмалар ва қўшимчалар чоп этилади. Сўнги вақтларда Шимолий Американинг таниқли университетларидан бир бўлган Ғарбий Онтарио университети (Канада) вазиятли ўқитишга эътиборни бирмунча кучайтирмоқда[Ш., 9].

Ҳозирги вақтда иккита: Гарвард (Америка) ва Манчестер (Европа) мумтоз “Case-study” мактаблари мавжуд. Биринчи мактаб (Америка) доирасида услубнинг мақсади ягона тўғри ечимни излашга ўргатиш бўлса, иккинчисиники (Европа) – муаммони ҳал этишнинг кўп ечимли вариантини кўзда тутди. Америка кейслари ҳажми жиҳатидан катта (20-25 саҳифа матн, қўшимча 8-10 саҳифа иллюстрация), Европа кейслари эса кичик (13 саҳифа), яъни Гарвардга нисбатан тахминан 1,5-2 марта қисқадир.

“Case-study” услуби Россияда (Россия профессорлари XX асрнинг 20-йиллари услуб номини рус тилига “Чигал (ғалати) услублар” каби таржима қилганлар) 20-йиллар иқтисодиёт фани ўқитувчиларига маълум эди. 1926 йили Россиянинг партия институтларида фаолият кўрсатган иқтисодиёт фанлари ўқитувчиларининг анжумани бўлиб ўтади. Бу анжуманнинг мақсади турли ўқитиш услублари ва услубиётларини, вазиятлар услубидан фойдаланишга қаратилган эди. 1924 йилнинг октябрь ойидан 1925 йилнинг октярига қадар партия мактаблари ўқитувчилари бу услуб билан Гарвард университетининг органи бўлган иқтисодий журналдаги мақолалар билан танишдилар. Ушбу услуб бизнес ўқитишда энг самарали деб топилган, лекин у педагогика, тиббиёт, юриспруденция ва бошқа фанларни ўқитишда ҳам самара бериши мумкин бўлган услуб ўқувчиларни инглиз тилига ўқитишда ҳам ўзининг самарасини берган. Кейинроқ турли – технологик, туристик, тиббиёт каби махсус фанларни ўқитишда ҳам кейслардан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйила бошланди.

Самарали иқтисодиёт фани ўқитувчиларга маълум бўлган “Case-study” услуги собиқ Иттифоқда кўп вақтлар қўлланилмади. Унга қизиқиш фақат XX асрнинг 90-йиллари охирларида пайдо бўлди[Ш., 10].

Россия таълим муассасаларида таржима қилинган кейслар XX асрнинг 90-йилларидан эътиборан қўлланилиб келинмоқда. Россиянинг “Қарор: ўқув видео” компанияси 90-йиллар охирларидан бошлаб янги маҳсулот – ўйин ўқув кейслари ишлаб чиқа бошлади. Бундай видео-кейсларда Россия компаниялари амалиётдан олинган ўқув вазиятлар мутахассис актёрлар томонидан ўйналган. Компания томонидан, ўқувчилар ходисалар кечаётган жойларда “иштирок” этиши эълон қилинади, ўқитувчиларга тайёрланган кейсни ўқитиш услуги эса машғулот ўтказишни енгиллаштиради. Кейинги йилларда Россия компаниялари тажрибаларига асосланган янги бизнес-кейсларни яратиш зарурати ортиб бормоқда. 2000-йилларнинг иккинчи ярмидан кейс услубига қизиқиш анча ортган ва ОТМ кейс-клублари пайдо бўла бошлади (Кейс-клуб НИУ-ВШЭ, МГИМО ва бошқалар), шунингдек, кейс-чемпионатлар ва бошқа тадбирларни ташкил этадиган ҳамда ўтказадиган компаниялар фаоллашдилар. Ҳозирги вақтда ўқитишнинг фаол услублари, шу жумладан, “Case-study” услубидан Россиянинг қатор етакчи иқтисодий ОТМ ларида иқтисодчи мутахассисларни тайёрлашда фойдаланилмоқда.

Таълим тизимининг модернизациялаш йўлига ўтаётганлиги муносабати билан Ўзбекистонда ўқитишнинг янги самарали услубларини излаш амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида Олий ва ўрта махсус таълим, ўрта махсус таълими муассасалари таълим жараёнида илғор педагогик услуб ва технологиялари (“Case-study” услуги, лойиҳалар услуги, ҳамкорликда ўқитиш, ишчанлик ўйинлари, интерфаол таълим услуги ва бошқалар), ахборот коммуникация технологиялари, электрон таълим

ресурслари ва мультимедиа тақдимотларидан фойдаланиш борасида чет эл тажрибасини чуқур ва ҳар томонлама ўрганган ҳолда жорий этиш масаласи қўйилган[II., 4].

“Case-study” услубини таълим тизими амалиётига жорий этиш муаммоси бугунги куннинг жуда долзарб вазифаларига айланиши иккита ғоя асосида юзага келган:

- биринчиси, таълим ривожланишининг умумий йўналганлигидан келиб чиқади, унинг мўлжали аниқ билимлар беришгина эмас, балки шахснинг касбий тайёргарлигига лаёқатлилигини, ақлий фаолият кўникмасини, малакасини, қобилиятини ривожлантириш бўлиб, уларнинг орасида ўқитиш қобилиятига, фикрлаш парадигмасининг ўзгаришига, катта ҳажмдаги ахборотларни қайта ишлаш кўникмасига алоҳида эътибор қаратилади;

- иккинчиси, биринчи ғоя талабларини қаноатлантиришдан ташқари, турли вазиятларда муқобил хулқ қобилиятига эга бўлиши, инқирозли шароитларда ҳаракатининг тизимлилиги ва самарадорлиги билан ажралиб туриши зарур бўлган, мутахассис сифатига қўйиладиган талабларнинг ўсишидан келиб чиқади.

Шундай қилиб, “Case-study” АҚШ да ечимларни излаш кўникмаларини олиш учун ва реал вазиятларга асосланадиган вазиятли таҳлил услубидир.

Уни ечиш мантиғи:

- ташкилий муаммонинг тавсифи билан танишув (кейснинг асосий муаммоларини аниқлаш ва ечиш учун тақдим этилганларнинг қайси бирлари муҳимлигини тушуниш; кейснинг вазиятли контекстига кириш, унинг асосий ҳаракатдаги шакллари кимлигини аниқлаш, таҳлил учун зарур далиллар ва тушунчаларни ажратиш, масалани ечиш мобайнида қандай қийинчиликлар пайдо бўлишини тушуниш);

- вазиятни мустақил таҳлил қилиш (кейсдаги муаммоларни шакллантириш ва таҳлил қилиш, зарур бўлган максимал ҳисобларни амалга ошириш, ахборотларни қайта ишлаш учун таҳлилий услублар танлаш);

- муаммога ташҳис қўйиш (кейсдаги ахборотларга кўра шахсий хулосалар чиқариш, талабларга мос келадиган кейс маъноси ва мазмунига кўра зарур ҳужжатларни тузиш, вазиятни ҳал этиш натижасини тахминан шакллантириш, таҳлил далиллари аввал аниқланган муаммолар, хулосалар, фойдаланилган услублар билан мос ёки мос эмаслигини аниқлаш);

- бошқа ўқувчилар билан мунозарада ўзининг аниқланганларини ва ечимларини тақдим этиш (кейс натижалари бўйича қилган хулосаларини бошқа ўқувчиларининг хулосалари билан солиштириш, уларникидан фарқ қиладиганларини ажратиш, ўзининг натижаларини асослашга уриниш, кейс ечимини ифодаладиган тақдимот материалларини ажратиш ва тақдимот қилиш йўллариини ўйлаб қўйиш ва тақдимот қилиш)дан иборатдир.

Францияда бу услуб – ҳижжалаб ўрганилган, ишлаб чиқилган ва уларга кирган реал ташкилотнинг мураккаб вазиятини сифатли тақдим этилишини акс эттирадиган ва белгиладиган ҳужжатлар портфелидир.

Баъзан бу услубни бошқаришга ўргатишда қўлланиладиган фаол педагогик усул деб ҳам юритишади.

**“Case-study” услубининг умумий тавсифи.** “Case-study” – ўқув машғулотларида кейинчалик кўриб чиқилладиган далилли материаллар асосида махсус яратилладиган ўқув вазиятларидир. Бундай услубдан фойдаланиладиган машғулотларда ўқувчилар турли вазиятларни кўриб чиқадилар ва жамоада ишлашни, вазиятларни таҳлил қилишни, қарорлар қабул қилишни ва баҳолашни, ижодий фикр юритишни ўрганадилар[III., 4].

“Case-study” услубининг ғояси (вазиятли ўқитиш услуби) етарлича содда:

1. Услуб фанлардан билим олишга мўлжалланган бўлиб, қўйилган саволга ягона жавоб эмас, балки унда бир неча жавоб бўлиб, улар ўзаро ҳақиқатлик даражаси бўйича рақобатлашишлари мумкин; бунда ўқитиш вазифаси анъанавий схемадан буткул фарқ қилади ва ягона эмас, балки

муаммоли майдонда кўп ҳақиқатларни ҳамда йўналишларни қамраб олишга қаратилгандир;

2. Ўқитиш урғуси тайёр билимларни олишга эмас, балки ишлаб чиқаришга, ўқувчи ва ўқитувчининг ҳамкорликда ижод қилишига қаратилади. Ана шу ерда “Case-study” услубининг анъанавий услубларидан тубдан фарқи – билим олиш жараёнида, ўқувчи бошқа ўқувчи ва ўқитувчи билан муаммони муҳокама қилишда тенг ҳуқуқлигидир.

3. Услубни қўллашнинг натижаси нафақат билим олиш, балки касбий фаолият малакаларини эгаллашдир.

4. Услубнинг технологияси қуйидагилардан иборат: аниқ қоидаларга асосан реал ҳаётда намоён бўладиган ва талаб олиши керак бўлган билим ва амалий малакалар мажмуасида акс этадиган аниқ вазиятнинг модели ишлаб чиқилади; бунда ўқитувчи етакчи ролда, саволларни тайёрловчи, жавобларни белгиловчи, мунозарани қўллаб-қувватловчи сифатида, яъни жараённинг бошқарувчиси ролида чиқади.

5. Вазиятли таҳлилнинг самараси нафақат билим олиш, балки ўқувчини кадр-қиммат, касбий ҳолат, ҳаётий йўл-йўриқ, ўзига хос касбий дунёни сезиш ва дунёни ўзгартириш тизимини ривожлантиришдан иборат.

6. “Case-study” услубида анъанавий ўқитишнинг “қуруқлиги”, материални баён этишнинг ҳис-туйғули бўлмаганлиги каби нуқсонлари, ҳис-туйғу, ижодий рақобат ва ҳатто кейс муҳокамасидаги театр спектаклидагига ўхшаб кетадиган кураш жараёни орқали тузатилади.

“Case-study” услуби – назарий билимларни амалий масалаларни ечишга қўллаш имкониятини берадиган қуролдир. Услуб ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиб қолмасдан, эшита билиш кўникмасини шакллантириш ва турли-туманлик нуқтаи назарни ҳисобга олиш ҳамда ўз фикрини асослаб беришга ўргатади. Ушбу услуб орқали ўқувчилар таҳлилий ва баҳолаш малакаларини такомиллаштириш имкониятига эга бўладилар, жамоада



ишлашга ва қўйилган муаммонинг энг оқилона самарали ечимини топишга ўрганадилар[III., 15].

Ўқитишнинг интерфаол услубларидан бўлган “Case-study” услубидан ўқувчилар назарий ҳолатларни ўзлаштириш ва ўқув материалларини амалиётга тадбиқ этиш мақсадида фойдаланмоқдалар; у ўқувчиларни касбга йўналтиришга таъсир этади, уларнинг ақлан улғайишига кўмаклашади, ўқишга нисбатан қизиқиш ва ижобий мотивацияни шакллантиради. Бир вақтнинг ўзида “Case-study” илк услуби ўқитувчининг фикрлаш образи сифатида ҳам, бошқача ўйлаш ва ҳаракат қилиш, ўзининг ижодий салоҳиятини янгиловчи, унинг алоҳида парадигмаси бўлиб чиқади.

Бизнесда бир қийматли тўғри ечимлар мавжуд эмас, деб тушунилади. “Case-study” услубининг моҳияти шундаки, унда ҳар бир киши ўзининг билими, тажрибаси ва сезгирлигига мос ҳолда ечим вариантини таклиф этади. Масалан, кимгадир компания раҳбарининг оилавий шароити муҳим ҳисобланмаса, бошқасига бу далил жуда муҳим ҳисобланиши мумкин.

*Идеал аниқ вазият:* аниқ бизнеснинг қизиқарли тарихи ёки ушбу бизнес тарихидан ўринли ҳолатдан; ечиш талаб этиладиган бошқотирма; таҳлили эскирган ва қўшимча ахборот излаш талаб этиладиган ахборотларнинг кўплиги; келажакда вазиятнинг давомини беришга қодир бўлган долзарб муаммо; энг асосий – масала “назарияси” билан устма-уст тушадиган катта ёки кичик типик кейсда қўйилган муаммони ечишга туртки берадиган саволлар тўпламини ўз ичига олиши зарур.

Яхши кейс қуйидаги талабларни қаноатлантириши керак:

- қўйилган вазифанинг мақсадга аниқ мос келишини;
- мос қийинчилик даражасига эга бўлишни;
- иқтисодий ҳаёт йўналишларининг бир нечтасини намоёйиш этишни;
- жуда тез эскириб қолмасликни;
- ўтилаётган фан мавзуси орқали ечим топиш имкониятининг мавжудлигини;

- бизнесдаги типик вазиятларни намойиш этишни;
- таҳлилий фикрлашни ривожлантиришни;
- мунозара уйғотишни;
- бир нечта ечимга эга бўлишни.

Кейсни тақдим этишнинг мультимедиа имкониятлари ўзида матнли ахборот ва интерфаол видеонинг устунлиги имкониятини беради. Кейс – ягона ахборотли мажмуадир. Унинг учта тури бўлиши мумкин:

А) чоп этилган кейс (ўзига график, жадвал, диаграммалар, иллюстрацияларни олади);

Б) мультимедиа – кейс (сўнгги вақтларда кенг тарқалган, лекин таълим муассасасининг техник жиҳозланишига боғлиқ бўлмаган);

В) видеокейс (ўзига фильм, аудио-видеоматериалларини олиши мумкин. Унинг салбий томони – кўп такрорлаш билан кўришнинг чегараланганлиги – ахборотларнинг бузилиши ва хатолар).

Case технологияси асосида ташкил этилган ўқув-тарбия жараёни самарали бўлиши учун иккита асосий шарт: яхши кейс ва ундан ўқув жараёнида фойдаланишнинг аниқ услубиёти зарур. Ушбу услубдан иқтисодий география йўналишида таълим олаётган ўқувчиларни ўқитишда фойдаланиш ўрганилаётган фанга қизиқишлари ошириш, иқтисодий қонунларни тушунишни осонлаштириш имконини беради, қарорлар қабул қилишнинг тадқиқий, коммуникатив ва ижодий малакаларини ривожлантиради. “Case-study” услубининг ўзига хос хусусиятларидан бири, реал ҳаётдан олинган мисоллар асосида муаммоли вазият яратишдир. Иқтисодиёт фанларини ўрганиш услуби сифатида яратилган “Case-study” услуби ҳозирги даврда иқтисодий географияда, тиббиётда, юриспруденцияда ва бошқа фанларни ўрганишда кенг қўлланилмоқда.

### **Кейс:**

- қизиқарли, содда ва тушунарли тилда ёзилган бўлиши;

- “драматизм”дан ва муаммоликдан фарқланиши; муаммонинг “ўзаги”ни равшан аниқлаши;
- ижобий ҳам салбий мисолларни кўрсатиши;
- танланган ўқувчилар контингентининг талабларига мос келиши, зарурий ва етарли ахборот мидорини ўз ичига олган бўлиши зарур.

## **1.2. Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси фанини ўқитишдаги “Case-study” услуби таълим технологияси ва илғор хорижий тажрибалар**

“Case-study” услубидан ўқитишнинг касбга йўналтирилган технологияси сифатида фойдаланиш алгоритмлаш қийин бўлган мураккаб жараён ҳисобланади. Шундай бўлса-да уни расман қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

- ўқувчиларни кейс матни билан таништириш;
- кейсни таҳлил қилиш;
- кейсни муҳокама қилиш, мунозара, тақдимот;
- мунозара иштирокчиларини баҳолаш;
- мунозарани яқунлаш.

Ўқувчиларни кейс матни билан таништириш ва кейснинг навбатдаги таҳлили, кўпинча, унинг муҳокамасидан бир неча кун олдин амалга оширилади ва ўқувчиларнинг мустақил иши каби жорий этилади; бунда тайёргарликка ажратилган вақт кейснинг тури, унинг ҳажми ва мураккаблик даражасига кўра аниқланади.

Ушбу босқичда кейс билан умумий ишлаш схемасини қуйидагича амалга ошириш мумкин: дастлаб кейснинг асосий муаммоларини аниқлаш ва ечиш учун тақдим этилганларнинг қайси бирлари муҳимлигини тушуниш; кейснинг вазиятли контекстига кириш, унинг асосий таъсир этадиган (ҳаракатдаги) шахслари кимлигини аниқлаш, таҳлил учун зарур далиллар ва тушунчаларни ажратиш, масалани ечиш мобайнида қандай қийинчиликлар

пайдо бўлишини тушуниш; кейинги босқич тадқиқот услубини танлашдан иборат.

Унча катта бўлмаган кейсларнинг муҳокамалари ўқув жараёнига киритилиши ва ўқувчилар улар билан бевосита дарс давомида танишишлари мумкин. Бундай ҳолатда, энг муҳими, кейс ўтказилиши режалаштирилган курснинг назарий қисми ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилган бўлишидир.

Агар ўқувчилар кейслар билан дастлабки танишишда уларнинг таҳлиliga тизимли ёндашсалар, у ҳолда кейслар устида ишлаш юқори самара беради.

Кейсни ечиш мобайнида қуйидаги кетма-кетликни амалга ошириш мумкин:

1. Кейсни таҳлил этишда фойдаланиш учун назарий концепция ва ёндашувларни ёдга тушириш мақсадида ўқув предметининг мос бўлимларидан таянч ғояларни ёзиб чиқиш.
2. Кейс ҳақида умумий тасаввур олиш учун уни тез ўқиб чиқиш.
3. Кейсга қўйилган саволларни диққат билан ўқиб чиқиш ва саволлар тушунарли эканлигига ишонч ҳосил қилиш.
4. Қўйилган саволларга алоқаси бўлган барча омиллар ёки муаммоларни диққат билан белгиланган ҳолда кейс матнини қайта кўриб ўқиб чиқиш.
5. Кейс билан ишлаганда, кўриб чиқилиши зарур бўлган ғоя ва концепциялар муаммолар билан қандай муносабатда эканлигини кўриш.

**Кейслар билан ишлашнинг умумий қондаси – “чегарадан ташқаридаги” ахборотдан фойдаланиш мумкин эмас!!!**

Масалан, агар ўқувчи вазифада берилган корхона ҳақида газетада ўқиган бўлса, у ҳолда бу далиллардан фойдаланиши мумкин эмас, чунки, қарор қабул қилувчи менежер ўрнидаги ўқувчи вазиятни моделлаштиради ва фақат

вазифада берилган маълумотларга эгадир. Баъзан аксинча, яъни ўқувчига аниқ бозор вазиятларидан олинган далилларни кўшиш имконияти берилади. Бундай ҳолларда ўқувчининг ақл-заковати ва материалнинг эгаллаганлиги эътиборга олинishi зарур[Ш., 1].

Кейсни муҳокама қилиш ўқувчилар олдига саволлар қўйишни, уларни баҳс-мунозарага тортишни кўзда тутди. Саволлар аввалдан тайёрланади ва ўқувчиларга кейс матни билан биргаликда берилади. Вазиятни ишлаб чиқишда ўқитувчи фаол ва пасив ҳолатни эгаллаши мумкин, баъзан эса, ишлаб чиқишнинг “дирижёри”, баъзан баҳс-мунозаранинг якуни билан чегараланиши мумкин.

Кейснинг муҳокамасини ташкил этишда, одатда икки услубдан фойдаланилади. Биринчиси, анъанавий Гарвард услуби дейилса, иккинчиси эса, унинг боришида ўқувчилар вазиятни расмий ҳолда оғзаки баҳолайдиган ва тавсия этилган кейснинг таҳлилини, ўзларининг ечимларини ва тавсияларини ва бошқача айтганда – тақдимотларини таклиф этадиган шахсий ёки жамоавий сўровлардан иборат услубдир.

“Case-study” услубида баҳс-мунозара марказий ўринни эгаллайди. Ундан одатда, ўқувчилар етарли даражада билим олган ва мустақил фикрлашга эришган, ўзларининг фикрларини асослайдиган, исботлай оладиган пайтларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Баҳс-мунозарада “Ақлий ҳужум”дан фойдаланиш алоҳида ўрин тутди. Бу услуб учта фазадан иборат: *биринчи фаза*, психологик тортинчоқликдан, эскиликдан, кулгига қолишдан, муваффақиятсизликдан ва кўрқув ҳолатидан қутилиш; бу фазанинг асосий вазифаси – ўқувчиларни тинчлантириш ва ўзини эркин тутишга имконият бериш. *Иккинчи фаза* – бу ҳужум. Бу фазада ўқувчиларнинг турли-туман ғоялари ўртасида тўқнашув ҳосил этилади. *Учинчи фазада* – муаммоларнинг муқобил ечимларини топиш мақсадида таклиф этилган ғоялар мунозара орқали ижодий таҳлил қилинади.

*Тақдимот ёки натижаларни тақдим этиши “Case-study” услубининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади*[Ш., 6].

Расман кейс-стадидан фойдаланиб, машғулот олиб бораётган ўқитувчи ўқитишнинг муқобил кетма-кетлигини икки қисмда: машғулотга тайёргарлик (ўқувчиларга уйга вазифа бериш, вазифани бажариш муддатини аниқлаш, ўқувчиларни баҳолаш тизими билан таништириш, машғулотларнинг технологик моделини аниқлаш, маслаҳатлар ўтказиш) ва аудиторияда вазият устида ишлаш (ўқитувчининг кириш сўзи); асосий масалани қўйиш, ўқувчиларни кичик гуруҳларга (4-6 нафардан) ажратиш, ўқувчиларнинг кичик гуруҳлардаги ишларини ташкил этиш ва маърузачиларни аниқлаш, кичик гуруҳлардаги қарорларнинг тақдимотларини ташкил этиш, умумий мунозарани ташкил этиш, ўқитувчининг умумлаштирувчи чиқиши; унинг вазиятни таҳлил қилиши, ўқитувчи томонидан ўқувчиларни баҳолаш) каби ўтказиши мумкин.

Кейс-стади ўқитувчига ўқитишнинг ихтиёрий босқичида ва турли мақсад (предметни ўқитишда, имтиҳон ва синов ўтказишда, мустақил ишларни ташкил этишда ва ҳоказо ларда фойдаланиш имкониятини беради).

Кейс-стади – услубни олий таълим муассасасаларида ўқитилаётган фанлар бўйича ўқувчиларнинг билимини синашга мўлжаллаб, ундан режалаштирилган имтиҳон ва синовларда ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўтказиладиган имтиҳон (ёки синов) олдидан ўқувчиларга кейс-вазифа уйга вазифа сифатида берилиши мумкин. Бундай ҳолда, ўқувчилар уйда тақдим этилган кейс-вазифани синчиклаб ўрганиши, таҳлил этиши ва унда берилган вазиятларга қўйилган саволларга мос жавобларни ёзган ҳолда ўқитувчига ҳисобот кўринишида топшириши лозим. Кейс ўқувчиларга бевосита имтиҳон (ёки синов) вақтида, яъни аудиторияда тақдим этилиши мумкин. Бундай ҳолда, ўқувчилар кейсни унинг ечими учун ажратилган вақтда ҳал қила олишлари учун қисқа ва содда бўлиши талаб этилади.

**1. Мураккаб кейс** (муаммоли вазият)лар қуйидаги таркибий тузилмага эга бўлади:

1. Педагогик аннотация.
2. Кириш.
3. Кейс (муаммо)нинг баёни.
4. Кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан топшириқ (ёки савол)лар.
5. Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати.
6. Методик кўрсатмалар.
7. Кейсни ечиш жараёни (таҳлил ва ечим вариантларини илгари суриш, вариантлар мақбуллигини текшириш).
8. Кейс ечими бўйича тақдимотни ташкил этиш.
9. Кейс ечимини таҳлил қилиш.
10. Ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими

Англингандек, таълим жараёнида ўқув кейсларини қўллашда жараён (машғулот) якунида албатта ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими тақдим этилиши зарур.

Бунинг дидактик аҳамияти бу ечим асосида тингловчиларнинг ўз ўқув-билиш ҳаракатларининг қанчалик тўғри, самарали, мақсадга мувофиқ амалга ошира олганликларини таҳлил қилиш, солиштириш, йўл қўйган хатоларини аниқлаш имкониятини яратиши билан белгиланади.

**2. Оддий – мини кейслар** учун қуйидаги таркибий тузилмага эгалик характерлидир:

1. Кейс (муаммо)нинг баёни.
2. Кейс (муаммо)ни ечиш юзасидан топширик (ёки савол)лар.
3. Фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати.
4. Методик кўрсатмалар.
5. Кейсни ечиш жараёни (таҳлил ва ечим вариантларини илгари суриш, вариантлар мақбуллигини текшириш).
6. Кейс ечими бўйича тақдимотни ташкил этиш.
7. Кейс ечимини таҳлил қилиш.
8. Ўқитувчи (кейсолог)нинг ечими

Одатда кейсларни тайёрлашда дарслик ва ўқув қўлланмалардан, балки оммавий ахборот воситалари, жумладан, Интернет материалларидан ҳам мақсадли фойдаланиш мумкин.



## ИККИНЧИ БОБ. “ЖАҲОН УРБАНИЗАЦИЯСИ” МАВЗУСИДАН ЎҚУВ МОДУЛИНИНГ ИШЛАНМАСИ

### 2.1. “Жаҳон урбанизацияси” модули бўйича маъруза матни

Режа:

1. *Жаҳон урбанизация жараёни, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси, аҳоли пунктларига шаҳар статусини бериш қонун-қоидалари*
2. *Урбанизация ва унга хос минтақавий хусусиятлар*
3. *Шаҳарлар агломерациялари ва мегаполислар*
4. *Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда урбанизациянинг ривожланиши ва уларнинг иқтисодиётга таъсири*
5. *Урбанизация ва экология*

Урбанизация иқтисодий ва ижтимоий географиянинг муҳим тушунчаларидан бири бўлиб, тадқиқот объекти сифатида унинг ўрни жуда юқоридир.

Аҳолининг шаҳар ва қишлоқ ўртасида тақсимланиш даражаси ҳудудларда саноат ва қишлоқ хўжалигининг қай даражада тараққий этганлигига боғлиқдир.

Урбанизация (лотинча “*урбанус*”- *шаҳар*) – муайян ҳудудда шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолиси салмоғининг ўсиши, шаҳарлар ва шаҳарчалар системаси, шаҳарлар агломерациясининг таркиб топиши ва ривожланиши, умумий олганда эса шаҳар турмуш тарзининг кенг ёйилиши ҳисобланади [Ш., 20].

Бинобарин, урбанизация жамият ҳаётида шаҳарлар ўрнининг ортиб бориши, аҳоли меҳнати, турмуш-тарзи ва маданиятининг кўпроқ шаҳарларга хос бўлган томонга ўзгариб боришидан иборатдир.

Урбанизация мамлакатлар иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражасини кўрсатиб берувчи индикаторлардан биридир.

Барча иқтисодий географик объектлар ичида шаҳарлар ўзини яхлитлиги, лўндалиги билан ажралиб туради. Чунки, улар сиёсий-маъмурий ёки иқтисодий географик марказлар ҳисобланади. Ўз навбатида шаҳарлар жуда мураккаб объект ҳамдир.

Шаҳарларнинг ўтмиши, ҳозирги аҳволи, ҳудудий жойлашуви ва истикболлари кўп фанларни қизиқтириб, уларнинг доимо диққат марказида бўлиб келган. Шунинг учун шаҳарлар кўп фан вакиллари томонидан кенг ўрганилади.

Урбанизация XVIII асрда Европада саноат инқилоби туфайли таркиб топди ва кучая борди. Урбанизациянинг ижобий томонлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Шунинг учун урбанизация билан боғлиқ муаммолар ҳозирги даврнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланиб улгурди.

Шаҳарлар кишилиқ жамиятнинг тенгдоши бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши, шаклланиши ва тарихий тараққиёти инсоният тарихи билан чамбарчас боғланган. Ер шаридаги энг қадимий шаҳарлар Қадимги Бобил, Миср, Вавилон, Қадимги Римда пайдо бўлган[Ш., 24].

Шаҳарлар келиб чиқишига энг аввало ижтимоий меҳнат тақсимооти сабаб бўлган. Маълумки, деҳқончиликнинг чорвачилиқдан ажралиб чиқиши натижасида дастлабки меҳнат тақсимооти пайдо бўлди. Аммо бунинг натижасида шаҳарлар вужудга келмади. Деҳқончилик, айниқса суғорма деҳқончиликнинг ривожланиши аҳолининг ўтроқлашишига олиб келди, доимий аҳоли пунктларини вужудга келтирди. Суғориш иншоотларининг қурилиши, уларни ҳимоя қилиш туфайли кишиларнинг биргалиқда жамоа бўлиб яшашига олиб келди. Натижада аҳоли пунктлари катталаниб, йириклашиб борди.

Кейинчалик деҳқончиликдан ҳунармандчилик ва савдо ажралиб чиқди. Бу эса шаҳарларнинг пайдо бўлишига асос бўлди. Шаҳарлар синфий жамият билан тенгдош. Аммо борган сари шаҳар билан қишлоқ ўртасида фарқ ортиб, шаҳарларнинг устиворлиги сезилиб боради.

Аграр даврда шаҳарлар ҳунармандчилик ва қул (инсон) билан савдо қилишди. Ўрта асрларда ҳунармандчилик мануфактурага етди, савдода эса асосий ролни ер эгаллади. Ўрта асрларда шаҳарларнинг ҳам ўз ери бор эди.

Саноат инқилоби даврига келиб шаҳарларнинг ҳукмронлиги (гегемонлиги) янада кучайиб кетди. Энди улар саноат, транспорт (айниқса, темир йўл ва денгиз) ва бойлик ортириш (капитал) марказларига айланди. Шу даврга келиб Осиё ва Европа шаҳарлари ўртасидаги фарқ сезила бошланди. Агар Европа типидagi шаҳарлар йирик саноат, молия ва капитал маркази бўлса, Осиёдаги шаҳарлар ўзининг келиб чиқишига кўра суғорма деҳқончилик маданияти маркази ва савдо-сотик билан боғлиқ бўлиб қолди[III., 27].

Республикада XX аср 60-йилларидан шаҳарлар географияси тезлик билан ўрганила бошлади. Қисқа давр ичида бу фан тезлик билан ривожланди. Бугунги кунда шаҳарлар географияси иқтисодий ва ижтимоий география фанининг муҳим бир қисмига айланди. Шаҳарлар ишлаб чиқариш кучларни ҳудудий ташкил этилишининг асосий бўғинлардан бири бўлиб, иқтисодий географик тадқиқот объеклари ичида ўзига хос хусусиятга эга. Шаҳарлар мамлакат ва районлар иқтисодий ва ижтимоий географиясини ўзида яққол мужассамлаштиради, миллий иқтисодиёт, илмий–техник тараққиёт ва сиёсий мустақилликни мустаҳкамлашда етакчи роль ўйнайди.

Илк меҳнат тақсимоти натижасида деҳқончилик ва чорвачиликнинг ажралиши, деҳқончилик ҳудудларида илк аҳоли пунктлари вужудга келиши юз берди. Қадимда ҳунармандчиликнинг, кейинчалик саноатнинг ривожланиши аҳоли пунктларининг ривожланишига сабаб бўлди. Саноатнинг

тез суъратлар билан ривожланиши саноат марказларида аҳолининг сон жихатдан тез ўсишига сабаб бўлди. XIX аср бошларида Лондон, Париж, Нью – Йорк дунёнинг энг йирик шаҳарларига айланди. Бу даврда шаҳарларда Ер шари аҳолисининг 3 %, XX аср бошларида 13,5 % аҳолиси яшаган бўлса, XXI асрга келиб бу кўрсаткич 50 % га етди.

Илмий манбаларда кўрсатилишича, шаҳарлар мақомини белгилашда аксарият ҳолларда қуйидаги асосий иккита белги ҳисобга олинади:

1. Аҳоли сони;
2. Банд аҳолининг иқтисодиёт тармоқларида тақсимланиши.

Шаҳар статусини беришда шаҳарда қанча аҳоли яшаши кераклигини аниқлаш бўйича қўйиладиган талаблар жаҳон мамлакатларида турлича бўлиб улар бир-биридан тубдан фарқ қилиш мумкин.

Аҳоли сони қараб шаҳар статусини беришда жаҳоннинг айрим мамлакатларида қуйидагича талаблар қўйилган:

1. Дания, Швеция, Финландия, Исландия – 200 киши;
2. Канада, Австралия – 1000 киши;
3. Германия, Франция, Куба – 2000 киши;
4. АҚШ ва Мексика – 2500 киши;
5. Австрия, Ҳиндистон, Эрон, Мадагаскар – 5000 киши;
6. Ўзбекистон – 7000 киши;
7. Швейцария, Малайзия – 10000 киши
8. Россия – 12000 киши;
9. Нигерия, Голландия – 20000 киши
10. Япония – 30000 киши;
11. Корея Республикаси – 40000 киши.

**Шаҳар** деб мавжуд аҳолининг 2/3 қисми қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлмаган соҳаларда банд бўлган аҳоли пунктларига айтилади. Шаҳарлар

ривожланишида аҳоли сони асосий ўлчам ҳисобланмайди[Ш., 26].

Ҳозирда дунёда 85 минг шаҳар аҳоли пунктлари бўлиб, улардан 372 таси миллионер шаҳар ҳисобланади (аҳолиси 1 миллиондан ошган шаҳарлар). Миллионер шаҳарлар орасида мегаситиларнинг кўпайиши кузатилмоқда (аҳолиси 10 млн. дан ошган шаҳарлар). Уларнинг энг каттаси Токио (26,4 млн. киши) ҳисобланади[Ш., 28].

1-илова

Босқичларнинг номи	Урбанизация жараёнининг ривожланиш хусусиятлари		
	Миқдориға кўра (шаҳар аҳолисининг салмоғи)	Сифатий	Ҳудудий
III. Ривожланган урбанизация	3/4 ва юқори	- замонавий урбанизация, – рурбанизация, – субурбанизация	Шаҳар аҳоли пунктларининг шаклланган тизимларининг пайдо бўлиши
II. Ривожланаётган урбанизация	1/2 – 3/4	–шаҳар агломерациялари ва мегалополислари, –миллионер шаҳарларнинг тез суъратда ўсиши	Шаҳар аҳоли пунктларининг тармоғининг пайдо бўлиши
I. Шаклланаётган урбанизация	1/2 гача	– йирик шаҳарларнинг ўсиши, – шаҳарларнинг кўп миқдорда пайдо бўлиши ва ривожланиши	Баъзи йирик шаҳарларнинг доминион хусусиятга эга эканлиги

Шаҳарларнинг ихтисослашув соҳаларига кўра уларни бир ёки кўп функцияли шаҳарларга ажратиш мумкин. Умуман, аҳоли ва ишлаб чиқариш соҳаларининг шаҳарларда ривожланиши, шаҳар турмуш тарзининг кенг ёйила бошлаши урбанизация жараёнининг ривожланишига олиб келди. Бу жараён натижасида шаҳар ҳудудларининг кенгайиши юз беради (агломерация, мегаполис). Ҳозирда ривожланган давлатларда шаҳардан шаҳар четларига

кўчиш кузатилаётган бўлса, ривожланаётган давлатларда бунинг аксини кўриш мумкин.

Ўзбекистонда аҳолининг қадимдан деҳқончилик билан шуғулланиб келганлиги, ўзига хос миллий анъаналар ва қадриятлар аҳолининг кўпроқ қишлоқларда яшаганлигига сабаб бўлган. Ҳозирги кунда ҳам республикада урбанизация даражаси анча пастлиги билан ажралиб туради (51 %). Республика шаҳарлари орасида бир соҳага ихтисослашган шаҳарлар билан бир қаторда кўп функцияли шаҳарлар ҳам кўпчиликти ташкил этади. Саноат ривожланган вилоятларда урбанизация даражаси юқори, шаҳарларнинг умумий сони ҳам кўп бўлади. Масалан: Тошкент, Навоий, Жиззах вилоятлари. Хоразм, Сурхандарё, Қашқадарё каби қишлоқ хўжалигига ихтисослашган вилоятларда бу ҳолатнинг аксини кўрамиз. Урбанизация даражасининг энг юқори кўрсаткичи Қорақалпоғистон Республикасида кузатилади (60 %). Республикада аҳоли пунктларини шаҳарлар қаторига киритиш масаласи борасида қўйилган талаблар ҳам юқорида кўрсатиб ўтилганлардан катта фарқ қилмайди.

Республикада аҳоли пунктларини шаҳарлар қаторига киритиш борасида қонун–қоидаларни ишлаб чиқишда ҳар бир аҳоли пунктнинг ўзига хос табиий, иқтисодий, тарихий ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинади.

Мамлакатимизда аҳоли пунктларига шаҳар статусини бериш учун қуйидаги талаблар қўйилган:

А) аҳоли сони;

Б) аҳоли меҳнатнинг қандай турлари билан банд эканлиги (бунда аҳолининг 2/3 қисмидан кўпроғи ишчи-хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларидан иборат бўлиши керак);

В) мазкур аҳоли пунктларида саноат корхоналари, ижтимоий-коммунал хўжалик ташкилотлари, уй-жой хўжалиги, ўқув юртлари, маданий-маърифий, тиббий, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, ижтимоий инфраструктура тизимининг мавжудлиги.

Урбанизация жараёнини кўрсатиб берувчи асосий ҳолатлардан ҳисобланган агломерация жараёни ривожлана бормоқда. Ҳозирда моноцентрик агломерация ҳисобланган Тошкент, полицентрик агломерация ҳисобланган Фарғона – Марғилон агломерациялари мавжуд. Марказий Осиёдаги энг йирик миллионер шаҳар ҳам Ўзбекистонда жойлашган (Тошкент).

Илмий адабиётларда шаҳарлар агломерациясига турли таърифлар берилган. Г.Асанов шаҳарлар агломерациясига қуйидагича таъриф беради:

**Агломерация** – 1. Тўпланиш, жамланиш. Чунончи, ҳаддан ташқари кўп кишиларнинг бир жойда тўпланиши. Агломерация деганда биз бирон нарсанинг бир жойда ғуж бўлиб тўпланишини тушунамиз:

1. Қишлоқ агломерацияси қуйидаги шакллар билан фарқ қилади: кичикроқ посёлкалар, катта ва кичик қишлоқлар йиғиндиси;

2. Йирик ёки бир – бирига яқин жойлашган бир неча шаҳар базасида ҳудудий ва иқтисодий ҳосила. Шаҳарлар агломерацияси учун саноат ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларининг юксак даражада концентрацияланиши ва шу муносабат билан малакали кадрлар ва илмий ҳамда ўқув муассасалари объектларининг тўпланиши, инженерлик ва коммуникация қурилишларининг умумийлиги, аҳолининг ўта зичлиги ва бошқалар ҳарактерлидир.

3. Агломерациялар бир неча типга бўлинади. Булар қуйидагилар:

4. **Моноцентрик агломерация** – йирик шаҳар атрофида йўлдош шаҳарларнинг пайдо бўлиши.

5. **Полицентрик агломерация** – икки ва ундан ортиқ йирик шаҳар атрофида йўлдош шаҳар ва шаҳарчаларинг йиғилиши.

6. **Чўзиқ агломерация** – денгиз соҳили, дарё қирғоғи ёки темир йўл магистрالي бўйлаб узунасига жойлашган агломерация.

7. Агломерация аҳоли жойлашишининг энг муҳим типик системасидир, бу тушунчага қуйидагича таъриф берилади:

# Агломерацияларнинг типлари



Моноцентрик агломерация



Полицентрик агломерация



Меридионал агломерация



Чўзиқ (кенглик) агломерация

“Агломерация” деганда шундай ҳудудий – иқтисодий ҳосила тушуниладики, бу ҳосила йирик шаҳар (ёки зич жойлашган бир неча шаҳарлар – конурбация) негизида пайдо бўлади ва урбанизациянинг каттагина зонасини шакллантиради, ён – атрофидаги аҳоли пунктларини ўзига қўшиб олади. Хилма – хил моддий ва номоддий ишлаб чиқариш корхоналари, биринчи галда саноат корхоналари инфраструктура объектлари, илмий ва ўқув муассасаларининг юксак даражада ҳудудий концентрациясини вужудга келтиради. Шунингдек, аҳолининг ўта зич жойлашганлиги билан бошқа ҳудудлардан фарқ қилади[Ш., 22].

Агломерациянинг ана шу барча характерли белгилари унинг амалий аҳамият касб этган кўп тармоқли, кўп функцияли аҳоли системаси сифатида ривожланиши ва хўжаликнинг энг илғор тармоқларига ихтисослашишини тақозо этади.



Шундай қилиб, шаҳарлар агломерацияси ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг умумий хўжалик тизимида кенжа система ва айти пайтда, мамлакатда аҳоли жойлашиш умумий системасида ҳам кенжа системадир, дейишга тўғри келади.

Дастлаб агломерация тушунчаси саноат жойлашувига нисбатан Германия ва Франция мамлакатларида ишлатилган, яъни саноат корхоналарининг бир жойда тўпланишини акс эттирган. **Шаҳарлар агломерацияси** деганда марказий катта шаҳар атрофида жойлашган уч ва ундан ортиқ шаҳар типидagi аҳоли пунктларининг бир-бири билан ўзаро қўшилиб кетиши ва улар ўртасидаги узвий алоқадорлик тушунилади. Унинг асосий белгилари қуйидагилар:

1. Марказий шаҳар аҳолиси 100 минг кишидан кўп бўлиши;
2. Марказий шаҳар яқинидаги шаҳар типидagi аҳоли пунктлари сони (йўлдош шаҳарлар) уч ва ундан ортиқ ҳамда уларнинг барчасида умумий агломерация аҳолисининг 10 фоизидан кўпроғи яшаши;
3. Марказий ва йўлдош шаҳарлар орасида “аҳоли алоқаси”, яъни тебранма миграция ривожланган бўлиши;
4. Агломерация таркибига кирадиган йўлдош шаҳарлар икки соатли масофада жойлашиши керак[III., 24].

Шаҳар агломерациясининг моҳияти ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва бир жойда тўпланиши, аҳоли жойланиши ва тақсимланиши контрастлигининг кучайиши, кўпгина фаолият турларининг ривожланиши учун жуда қулай бўлган ареалларда йиғилиш жараёнини акс эттиради. Алоҳида шаҳар бу жараёнларнинг миқёслари ва интенсивлигига жавоб бера олмайди. Бинобарин шаҳар агломерацияси барқарор меҳнат, маданий, маиший ва ишлаб чиқариш алоқалари, ягона ижтимоий ва техник инфраструктура билан бирлашган, ҳудудий жиҳатидан бир-бирига яқин ва иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғланган аҳоли яшаш пунктларининг кенжа системасидир. У

аҳоли жойлашиши ва тақсимланишининг бутунлай янги шаклидир. Уларга фаол ривожланган ядроларни ўз ичига оладиган, кенг шаҳар тўпламларининг бир–бирига қўшилиб кетиши, янги–янги ҳудудларни ўз орбитасига қамраб олиши, аҳолининг кўплаб тўпланиши, шаҳар атрофи хўжалигининг ривожланиши ва шаҳар марказлари билан шаҳар атрофи зоналари ўртасида аҳолининг агросекторга алоқаси бўлмаган меҳнатга жалб этилиши, айниқса яқин жойлашган шаҳар ва шаҳарчаларда агломерация доирасида ишга, ўқиш, маданиятга, хизмат кўрсатишга ва ишчи – хизматчиларнинг дам олиш жойларига аҳолининг кенг миқёсда миятниксимон миграция воситасида иштирок этиши каби хусусиятлар хосдир.

Катта шаҳарларнинг ривожланиши ҳозирги давр урбанизациясининг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири бўлган шаҳарлар агломерациясининг вужудга келиши ва тараққий этишида муҳим омилдир. Чунки, катта шаҳарларда ижтимоий – иқтисодий, ташкилий хўжалик, илм – фан ва маданият тараққиёти учун катта имкониятлар тўпланган бўлади. Бундай шаҳарларда одатда кўплаб моддий ва номоддий ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқарув–хизмат доираси муассасалари жойлашган бўлиб, ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг объектив эҳтиёжлари сифатида йўлдош шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг пайдо бўлишига имконият туғилади.

Жаҳон аҳолиси сони ва унинг ижтимоий ҳаётида шаҳарлар сони ва уларда мавжуд аҳоли сонининг кўпайиши, яъни урбанизация жараёни муҳим ўрин тутади. Урбанизациянинг географик моҳиятини қуйидаги мисолларда ифодалаш мумкин. Урбанизациялашган ҳудудлар Ер қуруқлик юзасининг 1% дан сал ортиқ қисмини эгаллагани ҳолда, бу ерда жаҳон аҳолисининг 48,7% и истиқомат қилади. Ялпи ички маҳсулотнинг 80 % и ишлаб чиқарилади. Шу вақтнинг ўзида атмосфера ва гидросферага чиқарилаётган захарли чиқинди ва газларнинг 80 % и ҳам айна ушбу ҳудудларга тўғри келади. Урбанизация жараёни шаҳарлар сони ва шаҳар аҳолисининг миқдори ҳамда улушининг

ўсишини, шаҳарлар билан боғлиқ мураккаб тармоқлар ва тизимларнинг шаклланиши ва ривожланишини англатади. Демак, урбанизация инсон ҳаётида шаҳарлар аҳамиятининг беқиёс ошишини, жамиятда аҳолининг меҳнат қилиш хусусияти, турмуш тарзи ва маданиятини, ишлаб чиқаришни жойлаштириш бўйича шаҳарлашишни ўзида акс эттирувчи тарихий жараёндир. Урбанизация ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Замонавий урбанизация умумжаҳон жараёни сифатида кўпчилик мамлакатларга хос бўлган учта умумий жиҳат билан ифодаланади. Шулардан **биринчи жиҳат**— кам ривожланган мамлакатларда шаҳар аҳолиси сонининг юқори суръатларда ўсишини билдиради. Дунёда 1900-йилда мавжуд жами аҳолининг салкам 14 % и шаҳарларда яшаган. Бу кўрсаткич 1950-йилда 29 % ни, 1990-йилда 45 % ни, 2015-йилда 48,7 % ни ташкил этди.

### **Урбанизацияга хос қуйидаги жараёнлар мавжуд:**

**Урбанизация** (лотинча *urbus* – “шаҳар”) – аҳоли ва ишлаб чиқаришнинг катта миқдорда шаҳарларда тўпланиши.

**Шаҳар агломерациялари** – турли катталиқдаги шаҳарларнинг маъмурий, ишлаб чиқариш, ижтимоий, маданий алоқалар натижасида бирлашуви.

Англияда агломерациялар **конурбация** (лотинча *con* – “бирга”, *urbus* – “шаҳар”), АҚШда **метрополис** (грекча *metropolis* – “асосий шаҳар, марказ”) деб номланади.

**Мегалополис** (грекча *megali* – “катта”, *polis* – “шаҳар”) – йирик шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларининг бир-бирига қўшилиб кетиши.

**Рурбанизация** (инглизча *rural* – “қишлоқ”) – шаҳар ҳаёт тарзининг қишлоқларга кириб бориши.


**Субурбанизация** – шаҳар атрофидаги манзилгоҳлар аҳолиси сонининг шаҳар аҳолиси ҳисобига ортиб кетиши.

**Иккинчи жиҳат** — аҳоли ва хўжаликнинг асосан катта шаҳарларда тўпланганлиги билан боғлиқ. Бундай ҳолат, авваламбор, ишлаб чиқаришнинг

хусусияти, уни илм-фан, таълим тизими билан бўлган алоқадорлиги натижасида мураккаблашуви билан боғланган. Маълумки, катта шаҳарлар инсонларнинг маънавий ва маданий талабларини тўлароқ қондиради, хилма-хил товарлар ва хизматлар билан яхшироқ таъминлайди, мавжуд ахборот манбаларига йўл очиб беради.

Жаҳонда XX аср бошида аҳолисининг сони 100 мингдан ортиқ 150 та шаҳар мавжуд бўлиб, уларга аҳолининг атиги 5 % и тўғри келган. Бундай шаҳарларнинг миқдори 90-йилларнинг бошида 2,5 мингни ташкил этди, 2008-йилда эса 3,5 мингдан ўтиб кетди. Уларга тегишли тарзда жами аҳолининг 1/3 ва 2/5 қисми тўғри келди. Катта шаҳарлар ичида аҳолисининг сони 1 млн. дан ортиқ бўлган йирик ва жуда йирик шаҳарларни алоҳида ажратиш қабул қилинган. XX аср бошида бундай шаҳарлар сони 10 та бўлса, 80йилларнинг бошида 200 дан, 2008-йилда эса 400 дан ошиб кетди. Мазкур шаҳарлар ичида «супер шаҳар»лар (аҳолисининг сони 5 млн. кишидан ортиқ) миқдори 90-йилларда 30 тани, 2010-йилда эса 65 тани ташкил этди. Ҳозирги вақтда ушбу шаҳарларда салкам 0,5 млрд. киши ёки Ер шари аҳолисининг салкам 10 % и истиқомат қилмоқда[Ш., 27].

### Жаҳондаги энг йирик шаҳарлардаги аҳоли сони (млн. киши, 2015-йил)



Замонавий урбанизацияга хос **учинчи жиҳат** — шаҳарлар ҳудудининг кескин кенгайиб, ёйилиб кетиши билан боғланган. Шаҳарлар агломерацияларининг ўзаги вазифасини, одатда, пойтахтлар, бошқа муҳим sanoat марказлари ва йирик денгиз портлари бажармоқда. Жуда йирик шаҳарлар агломерациялари Токио, Мехико, Сан-Пауло, Нью-Йорк ва Колката

(собик Калкутта) шаҳарлари атрофида шаклланган. Шуларнинг ҳар бирида 13,1 млн. дан 30,2 млн. гача аҳоли истиқомат қилади. Ҳозирги вақтда 2 ва ундан ортиқ агломерациялар ҳудудининг қўшилиб кетиши натижасида урбанизациялашган районлар ва зоналар, энг муҳими, мегалополислар вужудга келмоқда. Шуларнинг ичида Токайдо, Босваш, Сансан, Чипиц мегалополислари алоҳида ўрин эгаллайди.



Урбанизация жараёни умумий хусусиятларидан ташқари айрим регионлар ва мамлакатлар миқёсида ўзига хос хусусиятлар билан ифодаланади. Урбанизация даражаси бўйича жаҳондаги барча мамлакатларни уч йирик гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Юқори даражада урбанизациялашган мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 50 % дан юқори);

2. Ўртача даражада урбанизациялашган мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 25 % дан 50 % гача):

3. Паст даражада урбанизациялашган мамлакатлар (шаҳар аҳолисининг улуши 25 % дан кам).

Ҳозирги вақтда аҳолисининг жами (100 %) шаҳар ва шаҳарчаларда истиқомат қилувчи мамлакатлар қаторига Сингапур, Монако, Бермуд ороллари, Кайман ороллари, урбанизация даражаси 90—100 % га тенг мамлакатлар қаторига Андorra, Аргентина, Бахрайн. Бельгия, Исландия, Исроил, Кувайт, Малта, Қатар, Сан-Марино, Уругвай, Венесуэла киради. Шу билан бирга, Ер шарида урбанизация даражаси жуда паст (25 % дан кам) бўлган мамлакатлар ҳам анчагина. Шундай мамлакатлар таркибини Афғонистон, Бутан, Буркина-Фасо, Бурунди, Камбоджа, Эритрея, Эфиопия, Кения, Лесото, Малави, Непал, Нигер, Папуа—Янги Гвинея, Шри-Ланка, Свазиленд, Тожикистон, Танзания, Уганда ташкил этади.

Иқтисодий ривожланган мамлакатларда урбанизация билан боғлиқ атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ривожланаётган мамлакатларда эса моддий маблағларнинг етарли эмаслиги мазкур муаммоларни тўла-тўқис ҳал этишга имкон бермаяпти.

<i>Қитъалар</i>	<i>Улуши, фоиз ҳисобида</i>
<i>Шимолий Америка</i>	<i>77</i>
<i>Жанубий Америка</i>	<i>75</i>
<i>Европа</i>	<i>75</i>
<i>Австралия ва Океания</i>	<i>75</i>
<i>Осиё</i>	<i>36</i>
<i>Африка</i>	<i>35</i>
<i>Дунё бўйича</i>	<i>49</i>

Мегаполис атамаси 1970-йилда БМТ томонидан аҳолиси 8 миллион ва ундан ортиқ кишига етган шаҳарларга нисбатан “мегаполис” атамасини қўллаш мумкинлиги ҳақида таклиф қабул қилинган. 1990-йилда эса БМТ ва Осиё тараққиёт банки терминни аҳолиси сони 10 миллион киши, юқори бўлган шаҳарларга нисбатан қўллашни жорий этди. 1950-йилда мегаполислар АҚШнинг Нью-Йорк (12,3 миллион киши), Япониянинг Токио шаҳри (11,3 миллион киши) шаҳар мегаполислари сифатида тарқалган эди. 1975-йилга келиб бундай шаҳарлар 4 тани, 2003-йилга келиб 20 тага етди. Мутахассисларнинг фикрича 2015-йилга келиб, мегаполислар сони яна 2 тага қўпайиши мумкин[Ш., 26].

Ушбу мегаполисларда, айниқса, аҳолиси сони 35 миллиондан ортиқ бўлган Япониянинг пойтахти Токио шаҳри алоҳида ажралиб туради. Боиси ушбу мегаполис инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида аҳоли унинг атрофидаги маълум ҳудудлар Токио шаҳри шаҳри тасарруфига ўтиб келмоқда. Шунингдек, бошқа мегаполисларга нисбатан ушбу шаҳар аҳолиси тезроқ қўпаймоқда, яъни ҳар йили ўрта ҳисобида 3 % га ошмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, шаҳар маъмурияти ушбу кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда махсус дастурлар амалга оширмоқда.

Маълумотларга кўра, сўнгги 30 йил ичида мегаполислар сони, айниқда, ривожланган мамлакатлар ҳисобига ортиб бормоқда. Тахминларга кўра, 2015-йилга келиб, Ҳиндистоннинг Бомбай, Деҳли, Бразилиянинг Сан-Паулу, Мексиканинг Мехико ва Нигериянинг Лагос шаҳарлари аҳолиси сони 20 миллиондан ортиши мумкин. Бу эса ўз навбатида бир қанча ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.

**Мегаполислар салбий оқибатлари.** Ҳозирги кунга келиб саноат корхоналари ва транспорт воситалари томонидан мегаполисларда чиқарилаётган зарарли моддалар ўпка, аллергия, юрак –қон томир, онкологик касалликлар сонининг ортишига, ҳатто ўлим ҳолатларини қайд этишгаача олиб келмоқда. Мегаполисларда атмосферани ифлослашда автоуловларнинг

улиши 30 % ни ташкил этади. Иссиқлик электр станциялари, қозонхоналар, нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳам атмосфера ҳавосига улкан салбий таъсир кўрсатади. Бу эса зарарли моддаларнинг сув томчилари билан кўшилиб, “смог”ларни юзага келтирмоқда.

1952-йилда худди шундай қуюқ зарарли туман, яъни “смог” Лондонда 4 минг кишининг ҳаётига зомин бўлди. Ҳозирги кунга келиб Нью-Йорк, Чикаго, Ботсон, Детроит, Милан, Мадрид каби мегаполислар вақти–вақти билан юзага келадиган муаллоқ тумандан азият чекмоқда.

Сайёрамизнинг аҳоли нуфузи бўйича энг йирик саналадиган шаҳарларнинг 10 тасидан 8 таси Ер қобиғининг ёрилган сейсмик хавфли худудларида жойлашган. Бу эса ўн миллионлаб одамларнинг ҳаёти ва хавфсизлигига таҳдид солади.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ҳисобига кўра мегаполислар аҳолисининг 10 % шовқун–сурон туфайли эшитиш қобилиятини йўқотиши маълум бўлди. Мутахассислар фикрича 60 дицеблдан ошган шовқин мутассил таъсир этиб турадиган бўлса, инсонда асаб тизими касалликларига йўлиқиш эҳтимоли ортади. Шовқин 100 дицеблдан ортганда эса, одамнинг мия фаолияти бузилади, қон босими ортиб, унда гаранглик ҳолати пайдо бўлади.



## 2.2. “Жаҳон урбанизацияси” мавзусидан кейслар тўплами, амалий топшириқлар, ишланмалар

### 1. Амалий машғулотнинг технологияси

Вақти – 2 соат	Ўқувчилар сони: 10-30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кейс-стади технологиясини қўллаш
Амалий машғулотнинг режаси	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Урбанизациянинг шаклланиш хусусиятлари. Аҳоли пунктларига шаҳар статусини бериш қонун-қоидалари</li> <li>2. Жаҳон урбанизацияси жараёни ва унга хос минтақавий хусусиятлар</li> <li>3. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда урбанизациянинг ривожланиши ва уларнинг иқтисодий таъсири</li> <li>4. Шаҳарлар агломерациялари ва мегаполислар</li> <li>5. Урбанизация ва экология</li> </ol>
<p style="text-align: center;"><b>Амалий машғулотнинг мақсади:</b> Амалий машғулотни бажаришдан мақсад – ўқувчиларга жаҳон мамлакатларида урбанизация жараёни, урбанизацияга хос хусусиятлар ва унинг минтақавий жиҳатлари, шаҳарлар агломерациялари, мегаполислар, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда урбанизациянинг ривожланиши ва уларнинг иқтисодий таъсири, урбанизация ва экологияга доир билим ва кўникмалар</p>	
<p>Педагогик вазифалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Жаҳон урбанизацияси ва унинг ривожланиши ҳақида маълумотлар бериш;</li> <li>- Шаҳарлар агломерацияси ва мегаполислар системасини тушунтириш;</li> <li>- Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда урбанизациянинг ривожланишидаги тавофутлар;</li> <li>- Урбанизациянинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётга таъсири;</li> <li>- Урбанизация ва экология</li> </ul>	<p>Амалий машғулотнинг натижалари:</p> <p>Ўқувчи:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- Жаҳон урбанизацияси ва унинг ривожланиши ҳақида маълумотларга эга бўлади;</li> <li>- Аҳоли пунктларининг мураккаб системалари – шаҳарлар агломерацияси ва мегаполислар ҳақида маълумотга эга бўлади;</li> <li>- Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда урбанизациянинг ривожланишидаги тавофутларни тушунтириб бера олади;</li> <li>- Урбанизациянинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётга таъсирини таҳлил қилади;</li> <li>- Урбанизациянинг экологияга таъсири ҳақида тушунча ҳосил қилади.</li> </ul>
Ўқитиш услуби ва техникаси	Амалий машғулот режаси, синквейн техникаси, БББ усули, блиц сўров, маъруза матни ва визуал материаллар
Ўқитиш воситалари	Амалий машғулотнинг материаллари, проектор, хариталар, визуал материаллар.
Ўқитиш шакли	Фронтал, жамоа ва жуфтликда ишлаш.
Ўқитиш шароитлари	Намунадаги аудитория.

## Амалий машғулотнинг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Ўқувчи
<p><b>1-босқич.</b></p> <p><b>Кириш</b></p> <p><b>(10 мин)</b></p>	<p>1.1. Амалий машғулотнинг мавзуи ва мақсади, режадаги ўқув натижаларини эълон қилади уларнинг аҳамиятини ва дозарблигини асослайди.</p> <p>1.2. Олинган билимларни текшириш мақсадида асосий тушунчалар борасида савол-жавоб ўтказилади.</p> <p>1.3. Дарс машғулоти гуруҳларда ишлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини эълон қилади. Гуруҳларда ишлаш қоидаларини эслатади. Иш тартиби ва регламентни аниқлаштиради (1,2 – иловалар).</p>	<p>1.1. Эшитадилар, саволларга жавоб берадилар ва аниқлаштирадилар.</p>
<p><b>2-босқич.</b></p> <p><b>Асосий</b></p> <p><b>(60 мин)</b></p>	<p>2.1. Ўқувчиларни 6 нафардан қилиб гуруҳларга ажратади. Назорат ва натижаларни баҳолаш учун экспертлар гуруҳини шакл-лантиради.</p> <p>Гуруҳларга ўқув топшириқларини топширади (3-илова). Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (4-илова) ҳамда қандай қўшимча манбалардан фойдаланиш кераклиги тушунтирилади. Гуруҳларда ишлаш бошланган-лигини эълон қилади.</p> <p>2.2. Тақдимот ва натижаларни баҳолашни ташкил этади, изоҳлайди, жавобларни тартибга келтиради, шаклланган хулосаларни умумлаштиради.</p>	<p>2.1. Амалий машғулот топшириқлари, баҳолаш мезонлари билан танишади, топшириқни гуруҳга тақсимлайди.</p> <p>2.2. Натижаларни презентация қилади, назорат саволларига жавоб беради. Қолган иштирокчилар тақдимотни тўлдирадилар ва саволлар беради. Экспертлар баҳолайди.</p>
<p><b>3-босқич</b></p> <p><b>Яқуний</b></p> <p><b>(10 мин)</b></p>	<p>3.1. Амалий машғулот фаолиятини яқунлайди. Ўқувчилар диққатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида ғолиб бўлган гуруҳни аниқлайди ва баҳолайди.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради. ишларига маслаҳат беради.</p>	<p>3.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. Мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар.</p>

**Амалий иш тартиби ва регламент**

Гуруҳда ишлаш ва презентацияни ёзиш - 20 мин.

1. Ишнинг натижаларини тақдирот қилиш – 5 мин.
2. Жамоа бўлиб муҳокама қилиш ва гуруҳни баҳолаш - 5 мин.

**Гуруҳ билан ишлаш қоидалари:**

Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси:

- ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гуруҳни баҳолашда иштирок этишлари лозим.

**Гуруҳларга топшириқлар****1-гуруҳ**

1-топшириқ. Осиё қитъаси минтақаларининг урбанизация даражаси ҳақидаги жадвални тўлдириш:

<b>Минтақалар</b>	<b>Урбанизация даражаси</b>	<b>Миллионер шаҳарлар</b>
Жануби-Ғарбий Осиё		
Жануби-Шарқий Осиё		
Марказий Осиё		
Жанубий Осиё		
Шарқий Осиё		

2-топшириқ. Ўзбекистонда урбанизация жараёни ҳақида маълумот беринг.

3-топшириқ. Урбанизация жараёнининг 1-босқичи ҳақида маълумот беринг.

## 2-гурух

1-топшириқ. Африка қитъаси минтақаларининг урбанизация даражаси ҳақидаги жадвални тўлдириңг:

<b>Минтақалар</b>	<b>Урбанизация даражаси</b>	<b>Миллионер шаҳарлар</b>
Шимолий Африка		
Ғарбий Африка		
Марказий Африка		
Жанубий Африка		
Шарқий Африка		

2-топшириқ. Осиё минтақасидаги урбанизация жараёни хусусиятлари ҳақида нималар биласиз?

3-топшириқ. Урбанизация жараёнининг 2-босқичи ҳақида маълумот беринг.

## 3-гурух

1-топшириқ. Европа қитъаси минтақаларининг урбанизация даражаси ҳақидаги жадвални тўлдириңг:

<b>Минтақалар</b>	<b>Урбанизация даражаси</b>	<b>Миллионер шаҳарлар</b>
Шимолий Европа		
Жанубий Европа		
Марказий Европа		
Ғарбий Европа		
Шарқий Европа		

2-топширик. Америка минтақасидаги урбанизация жараёни хусусиятлари ҳақида нималар биласиз?

3-топширик. Урбанизация жараёнининг 3-босқичи ҳақида маълумот беринг.

### 5-илова

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)	Гуруҳлар		
	1	2	3
1-топширик (1)			
2-топширик (1)			
3-топширик (0,6)			
Регламент (0,2)			
Назорат саволларига тўғри жавоб учун (0,1)			
Бошқалар томонидан тўлдирилганлиги учун (0,1)			
Жами: 3 балл			

**Назорат шакли (ҳисобот, тақдимот):** Кичик гуруҳларда ишлаш натижасида охирига етказилган иш ҳисобот тарзида ўқитувчига топширилади. Бунда берилган топшириқдаги жадвал ва тест саволлари тўлиқ бажарилгач иш якунланган ҳисобланади ва ўқувчи машғулоти бажарган саналади. Натижаларни баҳолаш фан учун ажратилган соат бўйича балларда акс эттирилади. Натижалар «аъло», «яхши», «қониқарли», «қониқарсиз» баҳолар кўринишида жорий баҳолашдаши 45 балл ҳисобидан машғулотлар соатига қараб ажратилган балларда акс эттирилади. Бу машғулотда максимал балл 3 балл ҳисобланади ва қуйидаги мезонларда инобатга олинади:

2,2-3 балл – аъло: хулоса ва қарор қабул қилиш, ижодий фикрлай олиш, мустақил мушоҳада юрита олиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

1,2-2 балл – яхши: мустақил мушоҳада юрита олиш, амалда қўллай олиш, моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

0,5-1,1 балл – қониқарли: моҳиятини тушуниш, билиш, айтиб бериш, тасаввур ҳосил қилиш даражаларига эга бўлса қўйилади.

0-0,5 балл – қониқарсиз: берилган топшириқлар бўйича тасаввурга эга бўлмаса ва билмаса.

**1-топшириқ (кейс).** 1–расмда келтирилган жаҳон мамлакатларида урбанизациянинг ривожланиш даражасини таҳлил қилинг

**Кейс юзасидан саволлар:**

- 1) Нима учун жаҳон мамлакатларида урбанизация даражаси бири-биридан фарқ қилади?
- 2) Урбанизация билан иқтисодий-ижтимоий ҳаёт ўртасида қандай боғлиқлик мавжуд?
- 3) Жаҳоннинг қайси минтақаларида мураккаб итисодий-ижтимоий ҳосила – мегаполислар шаклланган? Унинг иқтисодий сабабларини тушунтиринг

## Жаҳон мамлакатларининг урбанизация даражаси



**2-топширик (кейс).** Жаҳон мамлакатларида урбанизация даражаси бўйича амалий ишлар бажариш (2-расм).

### Кейс юзасидан саволлар:

- 1) Жаҳоннинг қайси минтақаларида урбанизация даражаси юқори ва аксинча? Унинг сабабларини тушунтиринг
- 2) Нима учун жаҳонда шаҳар аҳолиси сони кескин ортиб бормоқда? Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар шаҳар аҳолиси ўсишидаги тафовутларни аниқланг ва сабабларини тушунтиринг
- 3) Картадан фойдаланиб жаҳон мамлакатларида урбанизация даражасини иқтисодий география жиҳатдан таҳлил қилинг (2-расм).

# Уровень урбанизации в странах мира



“Жаҳон урбанизацияси” мавзуси юзасидан кейс-стади

## I. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

**Фаннинг номи:** “Жаҳон географияси (Жаҳон иқтисодий-ижтимоий географияси)”.

**Мавзунинг номи:** “Жаҳон урбанизацияси”.

**Иштирокчилар:** бакалаврият босқичи география йўналиши 3-курс ўқувчилари.

**Ўқитишнинг мақсади:** мавзу бўйича эгалланган билимларни чуқурлаштириш мақсадида жаҳон урбанизация жараёни, аҳоли пунктларига шаҳар статусини бериш қоидалари, урбанизация даражасига кўра жаҳон мамлакатларининг 3 та типга ажратилиши, шаҳарлар агломерацияси, мегаполислар, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда



урбанизациянинг ривожланиши ва уларнинг иқтисодиётга таъсири, урбанизация ва экология каби тушунчаларга эга бўлиш кўникмаларни шакллантириш.

**Режалаштирилаётган ўқув натижалари:** урбанизация тўғрисида тушунчага эга бўладилар; жаҳон урбанизацияси бўйича ҳудудий тафовутларни қиёсий таҳлилини ўтказадилар; ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда урбанизациянинг шаклланиш жараёнидаги тафовутларини аниқлайдилар; дунё миқёсида шаҳар аҳолисининг истиқболдаги сони ҳақида илмий таҳминни амалга оширади; аҳоли сони ортиб боришидан келажакда кутиладиган муаммоларни аниқлайдилар ва уларда амалга оширилиши лозим бўлган “урбанизацион сиёсат” ҳақида фикрларини билдирадилар.

Лойиҳалаштириш фаолияти бўйича қуйидаги амалий кўникмаларга эга бўлади: муаммони шакллантириш ва вазифаларни аниқлаш; вазифаларни амалга оширишдаги усулларни танлаш ва улардан фойдаланиш; ўз фаолиятини режалаштириш; маълумот манбаларини аниқлаш, тизимга келтириш ва таҳлил этиш; натижаларни талаб даражасида расмийлаштириш ва керакли кўринишда тақдим этиш.

**Ўқувчилар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган таянч билим ва кўникмалар қуйидагилардан иборат:**

***Қуйидаги таянч атамаларни билиши керак:***

- урбанизация;
- шаҳарлар агломерацияси;
- субурбанизация;
- рурбанизация;
- конурбация;
- урбанизация ва экология;
- смогополис.

***Қуйидаги кўникмаларга эга бўлишлари керак:***

- Туғилиш коэффициентини аниқлаш;
- Ўлим коэффициентини ҳисоблаш;
- Аҳоли табиий кўпайиш даражасини тушуниш;
- Аҳолини ёш таркиби бўйича гуруҳларга ажратиш.

**Турланиш белгилари бўйича кейс-стадига тавсиф:** тури ахборотли; предмет ва мазмун жиҳатдан кўлами бир мавзу бўйича фойдаланилувчи монолойиха; ўқувчилар кейс-стади фаолиятларини мувофиқлаштириш характери бевосита; иштирокчилар сони гуруҳ ўқувчилари 4 та ишчи гуруҳга бўлиниб, ҳар бир ишчи гуруҳда 5 тадан 6 тагача иштирокчи бўлиши мумкин (ўқувчилар кўпроқ бўлса, лойиҳа йўналишларини кўпайтириш мумкин); **бажариш муддати** қисқа муддатли – 7 кун.

**Кейс-стадини бажариш тартиби:** ўқувчиларнинг аудиториядан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, амалий машғулотда тақдим этишади. Лойиҳа маҳсули амалий машғулотда, ўқувчилар ва педагог ўртасида белгиланган кунда амалга оширилади.

**Кейс-стадининг баҳоланиши** – ишчи гуруҳлар томонидан бажарилган лойиҳа қуйидагича баҳоланади (гуруҳнинг ҳар бир аъзоси учун): ўқувчилар томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. балл – 8); ҳисобот (макс. балл – 2); лойиҳа тақдимоти ва ҳимоя этиш жараёни (макс. балл – 5).

**Кейс-стади асосида ўқитиш босқичлари.**

*Тайёрлов босқичи:* кейс-стади билан танишиш; аудиториядаги машғулот вақтида ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш.

*Кейс-стадини бажариш босқичлари:* аудиториядан ташқари фаолият даврида.

*Яқуний босқич:* кейс-стади тақдимоти, кейс-стади ва аудитория машғулотида ўқувчиларнинг лойиҳалаштириш фаолиятини баҳолаш.

*Кейс-стади асосида ўқитишни бошқариш:* аудиториядан ташқари фаолиятда.

### **Ўқитиш моделига қисқача тавсифнома.**

Кейс-стади асосида ўқитиш жараёнида қуйидагилар қўлланилади:

*ўқитиш усуллари:* кейс-стади усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, такдимот; *ўқитиш шакллари:* оммавий, алоҳида, гуруҳий; *ўқитиш воситалари:* кейс-стади топшириғи, услубий кўрсатмалар, компьютер технологиялари.

### **Кейс-стади лойиҳаси: “Жаҳон урбанизацияси”**

#### **1. Кейс-стади топшириғи**

**Кейс-стади доирасида ечилиши керак бўлган муаммо:** .

Вазифалар:

1. Урбанизация ҳақида тушунчага эга бўлиши;
2. Урбанизациянинг мамлакатлар иқтисодиётига таъсири;
3. Урбанизация жараёнларининг мамлакатларда тезлик билан ривожланиши ва минтақавий тафовутлар;
4. Урбанизация ва экология.

**Кейс-стадининг мақсади (нима учун яратилмоқда)** ўқувчиларда жаҳон урбанизацияси ва унинг истиқболдаги ҳолати ҳақида маълумотга эга бўлиш. Жаҳон урбанизацияси ва унинг тезлик билан ўсишидан келиб чиқиши мумкин бўлган экологик, глобал ва минтақавий муаммоларни тушуниб етиш.

**Кейс-стадини амалга оширишдан эришиладиган натижа (лойиҳа маҳсули)** “жаҳон урбанизацияси ва истиқболи” номли маълумотнома.

**Кейс-стадидан фойдаланувчилар:** жаҳон географияси фанини ўргатаётган профессор-ўқитувчилар, ўрганаётган ўқувчилар, тадқиқотчилар, якуний фойдаланувчилар.

**Кейс-стади доираси:**

- бажарилиш муддати: 1 hafta, кейс-стади қисмлари белгиланган график асосида;

- иштирокчилар сони: ҳар бир ишчи гуруҳда 6 тагача иштирокчи бўлиши мумкин.

### **Маълумотноманинг таркибий тузилиши:**

#### Кириш

1. Жаҳон урбанизацияси (минтақалар бўйича) ҳақида маълумот;
2. Жаҳон урбанизация даражасининг ўсиши ҳақида маълумот;
3. Жаҳон урбанизацияси ва унинг истиқболдаги ҳолати ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш.

#### Хулоса ва таклифлар

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

#### Илова

### **Кейси ечаётган ўқувчиларга услубий кўрсатмалар:**

1. Машғулотда жамоавий ишлаш мобайнида имкон қадар, сизни кузатиб турган тенгқурларингизга эътибор қилманг. Натижа учун ишланг!

2. Фаол бўлинг, ўзингизни кўрсатинг. Агар ҳамма билган нарсаларни ҳам яширсангиз, сизнинг қандай билимга эга эканлигингизни объектив баҳолаш имкони бўлмайди. Шу билан биргаликда, фақат бошингизни ирғатиб, тасдиқлаб жимгина туришингиз орқали ўқитувчи ва дўстларингиз сизнинг вазифа бўйича нуқтаи назарингиз қанақа эканлигини кўра олмайдилар, албатта. Шунинг учун ўзинингизнинг нуқтаи назарингизни ифодалашга уялманг, лекин ҳаддан ташқари серғайрат ва тажовузкор ҳам бўлманг.

3. Танқидни ўзингизга оғир олманг. Ўз фикрингизни аниқ тушунтиринг. Нуқтаи назарингизни асосланг ва уни ҳимоя қилинг. Лекин уни, фақат сизники бўлганлиги сабабли, нима бўлса ҳам исботлашга уринманг.

4. Вақт бошқарувини ёддан чиқарманг. Ҳар бир вазифани бажариш муддати чегараланган. Ўз ресурсларингизни муқобил тақсимлашга ҳаракат қилинг.

5. Жамоада ишлашга қодир ва тайёр эканлигингизни кўрсатинг. Бу сизнинг билимингизни баҳолашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

## **Ўқувчиларнинг жамоавий мунозарадаги хатолари:**

1. Доимий жим туриш – одатда бундай ўқувчилар ўқитувчининг эътиборидан қолиб кетиши мумкин. Сизга шу керакми?

2. Тажовузкорлик. Шовқинли хулқ – бундай хислатлар одатда, гуруҳ ишини бузади, бу албатта ўқувчининг билимини баҳолашда фойда бермайди.

3. Маъсулиятни бошқага ўтказиш – масалани ҳал этиш, маъруза қилиш, жавоб бериш ва шу каби вазифаларни бажаришда фақат бошқа ўқувчиларни кўрсатишга одатланганлар, унутмангки, ўқитувчи ва дўстлари олдида ўзлари тўғрисида яхши фикр туғдира олмайдилар.

4. Фақат баҳо учун ҳаракат қилиш – шунга амин бўлингки, экспертлар (ўқитувчи, фаол ўқувчилар) ўзи ҳақида улар кўз ўнгида яхши фикр қолдирмоқчи бўлган ўқувчиларни тушунадилар. Шунинг учун бундай шармандалиқни кечириб бўлмайди. Табиий бўлинг.

5. Ҳаддан ташқари асабийлашиш – ҳаммага равшанки, баҳолаш жараёни ҳеч кимга ёқмайди, лекин шунга ишониш керакки, экспертлар (ўқитувчилар, фаол ўқувчилар, ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари) – муайян тажрибага эга. Улар ўқувчиларда қандай қобилият борлигини етарлича аниқлай оладилар. Сиз қанча ғайрат қилаётганингизни тушунадилар.

## **Кейсни ечаётганда нимани эсда сақлаш керак?**

1. *Шартларнинг таҳлилини.* Диққат билан кейсда қўйилган шартлар билан танишинг. Белгиланган (15-20 дақиқа) вақтдан ортиқ вақт сарфламанг. Дастлаб асосий фикр ва таянч ғояларни қоғозга белгиланган ҳолда тез ўқиб чиқинг. Кейсни ечиш мобайнида доим шартга қайтиш ва уларни аниқлаш имконияти бўлади.

2. *Вазифаларни тақсимлашни.* Агар кейсларни сиз гуруҳда ечишингиз зарур бўлса, у ҳолда ким қандай вазифани ҳал қилишини тақсимлаб олиш зарур. “Бизнинг фикримизча, мазкур масалани бу ўқувчи бажара олади”, деган сўзлар билан ташаббусни ўзингизга олинг. Гуруҳ билан кейс ечишда типик роль, асосан, - ташкилотчи, эксперт (билимли одам, содда гапирадиган одам),

генератор (янги ғоя берадиган), танқидчи, бажарувчи (ечим натижаларини тайёрлашга жавобгар одам)дир.

3. *Натижаларни расмийлаштиришни.* Натижаларни расмийлаштиришга қанча вақт қолганлигини билиш учуш учун вақтга қараб тулинг. Йиртиқ ва қораланган қоғозларга албатта, уни яхшилаб тайёрланг. Уни тайёрлашда чизма ва графиклардан меъёрда фойдаланинг.

4. *Натижаларни тақдим этишни.* Агар натижаларни сиз тақдим этишингиз зарур бўлса, нима гапиришингиз ҳақида тахминий чизмани белгиланг. Натижани жуда хижжалашга урингманг. Овозингизга эътибор беринг, дадил ва ишонч билан гапиришга ҳаракат қилинг.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН КЕЙС-СТАДИ ИШЛАНМАСИ**

### **Гуруҳлар учун мини кейс топшириқлари:**

1. Шимолий Америка мамлакатларида урбанизация қандай хусусиятлари билан бошқа қитъалардан фарқ қилади?
2. Шаҳарлар агломерациялари деганда нимани тушунасиз? Уларга мисоллар келтиринг

### **Гуруҳлар учун мураккаб кейс топшириқлари:**

1. Қайси қитъа мамлакатларида ривожланётган мамлакатлар учун хос бўлган урбанизация шаклланган? Фикрингизни асослаб беринг
2. Ер шарида қандай мегаполислар ажратилган, уларнинг бир-биридан географик фарқларини аниқланг.

**Ўқитувчи (кейсолог)нинг кейс-стади топшириқлари бўйича ечимлари:**

1. Юксак даражада урбанизациялашган, мураккаб аҳоли пунктлари шаклланган, дунёдаги 6 та мегаполисининг 3 таси (Сан-сан, Чипитс, Босваш

мегаполислари) шу ерда жойлашган, Катта ва Кичик Антиль оролларида карайб 100 фоиз, урбанизация даражаси АҚШ, Канадада урбанизация даражаси 70-80 фоизга тенг. Мехико, Нью-Йорк каби дунёнинг энг йирик мегаситилари минтақанинг қиёфасини белгилаб беради.

**2. Шаҳарлар агломерацияси** деганда марказий катта шаҳар атрофида жойлашган уч ва ундан ортиқ шаҳар типидagi аҳоли пунктларининг бир-бири билан ўзаро қўшилиб кетиши ва улар ўртасидаги узвий алоқадорлик тушунилади. Унинг асосий белгилари қуйидагилар:

1. Марказий шаҳар аҳолиси 100 минг кишидан кўп бўлиши;
2. Марказий шаҳар яқинидаги шаҳар типидagi аҳоли пунктлари сони (йўлдош шаҳарлар) уч ва ундан ортиқ ҳамда уларнинг барчасида умумий агломерация аҳолисининг 10 фоизидан кўпроғи яшаши;
3. Марказий ва йўлдош шаҳарлар орасида “аҳоли алоқаси”, яъни тебранма миграция ривожланган бўлиши;
4. Агломерация таркибига кирадиган йўлдош шаҳарлар икки соатли масофада жойлашиши керак.

Мураккаб кейс топшириқларига ўқитувчи – кейсологнинг ечимлари:

Мегаполис атамаси 1970-йилда БМТ томонидан аҳолиси 8 миллион ва ундан ортиқ кишига етган шаҳарларга нисбатан “мегаполис” атамасини қўллаш мумкинлиги ҳақида таклиф қабул қилинган. 1990-йилда эса БМТ ва Осиё тараққиёт банки терминни аҳолиси сони 10 мллион киши, юқори бўлган шаҳарларга нисбатан қўллашни жорий этди. 1950-йилда мегаполислар АҚШнинг Нью-Йорк (12,3 миллион киши), Япониянинг Токио шаҳри (11,3 миллион киши) шаҳар мегаполислари сифатида тарқалган эди. 1975-йилга келиб бундай шаҳарлар 4 тани, 2003-йилга келиб 20 тага етди. Мутахассисларнинг фикрича 2015-йилга келиб, мегаполислар сони яна 2 тага кўпайиши мумкин.

Ушбу мегаполисларда, айниқса, аҳолиси сони 35 миллиондан ортиқ бўлган Япониянинг пойтахти Токио шаҳри алоҳида ажралиб туради. Боиси ушбу мегаполис инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида аҳоли унинг атрофидаги маълум ҳудудлар Токио шаҳри шаҳри тасарруфига ўтиб келмоқда. Шунингдек, бошқа мегаполисларга нисбатан ушбу шаҳар аҳолиси тезроқ кўпаймоқда, яъни ҳар йили ўрта ҳисобида 3 % га ошмоқда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, шаҳар маъмурияти ушбу кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда махсус дастурлар амалга оширмоқда.

Маълумотларга кўра, сўнгги 30 йил ичида мегаполислар сони, айниқда, ривожланган мамлакатлар ҳисобига ортиб бормоқда. Тахминларга кўра, 2015-йилга келиб, Ҳиндистоннинг Бомбай, Деҳли, Бразилиянинг Сан-Паулу, Мексиканинг Мехико ва Нигериянинг Лагос шаҳарлари аҳолиси сони 20 миллиондан ортиши мумкин. Бу эса ўз навбатида бир қанча ижтимоий-иқтисодий қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин.



## ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

Мамлакатимиз тараққиётининг бугунги муҳим шарти кадрлар тайёрлаш тизимининг мукамал бўлиши, замонавий иқтисод, фан, маданият, техника ва технологиялар асосида ривожланиши ҳисобланади.

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» узлуксиз таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилишга қаратилган.

«Миллий дастур»ни амалга оширишда мавжуд таълим ва кадрларни тайёрлаш тизимларини тубдан ўзгартириш замонавий илмий фикрлар ютуқлари ва ижтимоий тажрибаларга, таълим жараёнини ҳамма босқичларида, узлуксиз таълим тизими таълим муассасаларининг ҳамма шакли ва турларида илғор-методик таълимларга таянган ҳолда амалга оширилади. Ўтказилган тадқиқот натижасида қуйидаги умумназарий ва методик хулосаларга келинди:

- Ўзбекистонда юксак интеллектуал салоҳиятли баркамол авлодни тарбиялаш масаласи умуммиллий ва умумдавлат миқёсидаги вазифа бўлиб турибди. Ўзбекистоннинг келажаги, авлодларнинг давомийлиги, халқларнинг мавжудлиги, эртанги куни, эркин ва фаровон ҳаёт куриш вазифаларини амалга ошириш ҳам ёшлар билан боғлиқ.
- Ёшларнинг онг ва тафаккурида соғлом эътиқод, ишонч ва миллий қадриятларнинг устуворлигини таъминлаш, муаммонинг муҳимлиги ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришга оид кўплаб мутахассислар педагоглар, психологлар ва социологлар билан биргаликда географлар ҳам тизимли ишларни амалга оширишлари лозим.
- География фанларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантиришда инновацион педагогик таълим технологиялари бири бўлган кейс-стади технологиясини кенг қўллаш ва модул асосида тадбиқ этилса аҳамияти янада кескин ортади.
- Анъанавий ва инновацион таълим аудиториядан ташқари фаолият шаклларини интеграциялаш олий таълим ўқувчиларини педагогик

маҳоратини шакллантиришда катта педагогик имкониятларни ҳосил қилади. Олий ўқув юртлари ўқувчиларини педагогик маҳоратини шакллантиришни йўлга қўйишда технологик ёндошув, яъни кейс-стадининг ҳар бир босқични алоҳида-алоҳида лойиҳалаб олиш, эришиладиган натижалардан келиб чиқиб, мақсад ва вазифаларни белгилашнинг муҳим шартидир.

Битирув лойиҳа ишини ёзиш давомида тўпланган материаллар, олинган натижалар, синовдан ўтказилган методик ёндошувлардан олий таълим муассасаларида география курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

### **Тавсиялар:**

➤ Олий таълим муассасаларида География фанларини ўқитишда фойдаланиладиган ўзбек тилидаги янги авлод адабиётларига эҳтиёж борлиги боис ўзбек тилининг лотин графикасида, инновацион педагогик ва кейс-стади технологияларидан самарали фойдаланиш усуллари тавсия этилган адабиётларни ишлаб чиқиш ва яратиш зарурати мавжуд.

➤ Ўқув фанлари бўйича таълим технологияларини яратишда хилма-хиллик, ижодийлик, инновацион ва кейс-стади ёндашувларига асосланиш, ҳар бир фаннинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Мазкур жараёнда фанларнинг, машғулот шакллари, мавзуларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёндашиш ўринли бўлади;

➤ Олий таълим муассасалари География ихтисослиги ўқув режаларини қайта ўрганиб чиқиш ҳамда соҳага оид кейс-стади технологияларига асосланган ҳолда қўшимча ўзгартиришлар киритиб бориш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

### I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. -269 б.
2. Каримов И.А. Жамиятни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш-барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. –Т.: Ўзбекистон, 2007, -Б. 15. -126.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
4. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир – Т.: Ўзбекистон, 2015. – 304 б.

### II. Меъёрий- ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. -Т., 2014.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 9-сон, 225-модда.
3. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил. 11-12-сон, 295-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 365 сонли Қарори.

### III. Махсус адабиётлар:

1. Абдуқодиров А.А., Астанов Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Кейс-стади”: назария, амалиёт ва тажриба. – Т.: Тафаккур қаноати, 2012. – 132 б.
2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

3. Азизходжаева Н.Н. Ўқитувчи мутахассислигига тайёрлаш технологияси. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ, 2000. – 52 б.
4. Асқарова Ў.М., Ҳайитбоев М., Нишонов С.М. Педагогика. – Т.: Талқин, 2008.– 287 б.
5. Болтаев М.Ж. Чет мамлакатлар иқтисодий географияси. Маърузалар матни. -Т., 2000.
6. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 30 б.
7. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог - ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
8. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог - ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2010. – 142 б.
9. Назаров М., Тожиева З. Ижтимоий география. -Т., «Университет», 2003.
10. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари. – Т.: РТМ, 2004. – 104 б.
11. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Пед. фанл. докт. ... дисс. – Т.: 2007. – 357 б.
12. Солиев А., Қаршибаева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари. - Т., 1999. -181б.
13. Солиев А., Аҳмедов Е., Маҳаммадалиев Р. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. - Т.: Университет, 2003. -354 б.
14. Солиев А.С. Худудий мажмуаларнинг назарий асослари. Ўқув қўлланма. - Т.: Университет, 2007. - 56 б.

15. Солиев А.А. Иқтисодий география: назария, методика ва амалиёти //Танлаган асарлар. Масъул муҳаррир: О.Б.Ата-Мирзаев. – Т.: Камалак, 2013. – 184 б.
16. Социально-экономическая география зарубежного мира. Под ред. В.В.Волского. –М., 2003.
17. Топилдиев В.Р. Таълим ва тарбия жараёнларини ташкил этишнинг меъёрий - ҳуқуқий асослари. –Т., 2015. – 164 б.
18. Ҳасанова М.Ғ., Аҳмедова Н.Ш. География дарсларида инновация технологияларидан фойдаланиш // География таълими ва услубининг долзарб муаммолари. Республика илмий - услубий анжумани материаллари. – Қўқон. 2008. -Б.64-66.
19. Ғуломов П.Н., Миракмалов М.Т., Худойбердиева М.А. Ўзбекистонда география таълимининг босқичлари // География таълими ва услубининг долзарб муаммолари. Республика илмий-услубий анжумани материаллари. – Қўқон. 2008. - Б.127-129.
20. Қаюмов А.А. ва бошқ. Иқтисодий ва ижтимоий география (Марказий Осиё иқтисодий-ижтимоий географияси). – Т.: 2012.
21. Қаюмов А.А. ва бошқ. Минтақавий иқтисодиёт. – Т.: Университет, 2008.
22. Қаюмов А.А., Якубов Ў. Аҳоли географияси демография асослари билан. – Т., 2009.
23. Қаюмов А.А., Сафаров И., Тиллабоева Т. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий-ижтимоий географияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
24. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий-ижтимоий географик атласи. – Т.: Картография, 2015.
25. Қодиров Р.Б., Рўзиева Х. География фанидан амалий машғулотларни бажариш бўйича айрим тавсиялар. – Т.: Фарзай, 2012. - 102 б.
26. Қодиров Р.Б., Ҳамдамов И. География фанидан тестлар тузиш ва улардан фойдаланиш методикаси. – Т.: Наврўз, 2015. - 300 б.

27. Қодиров Р.Б. Фарғона минтақаси ва меҳнат ресурслари. – Т.: Наврўз, 2016. -170 б.

28. Экономическая и социальная география стран ближнего зарубежья. Под ред. М.Ратанова. –М., 2004.

29. Goudie A. Physische Geographie. –Munxen: «Westerman», 1997

30. Kulke E. Wirtschafts - geographie. -Munxen – Zurich: «Ferdinand Schoningh», 2004.

31. Hagget P. Geographie. –Bonn: «Cornelsen», 2001.

#### **IV. Электрон ресурслар**

[www.gov.uz](http://www.gov.uz)

[www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)

[www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)

[www.xabar.uz](http://www.xabar.uz)

[www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

[www.UzReport.uz](http://www.UzReport.uz)

## ИЛОВАЛАР

1-илова

### Ер шари аҳолиси сонининг ортиб бориши



Манба: [www.knovledge.com](http://www.knovledge.com) сайтидан олинди.

2-илова

### ДУНЁНИНГ ЭНГ ЙИРИК АГЛОМЕРАЦИЯЛАРИ

№	Агломерацияларнинг номлари	Аҳолиси сони, млн.киши	Жойлашган ўрни
1	Токио	36,8	Япония
2	Нью-Йорк	22,5	АҚШ
3	Мехико	22,4	Мексика
4	Сеул	22,2	Жанубий Корея
5	Мумбай	20,0	Ҳиндистон
6	Сан-Паулу	19,4	Бразилия

7	Жакарта	17,9	Индонезия
8	Манила	17,8	Филиппин
9	Лос-Анжелес	17,8	АҚШ
10	Дехли	17,8	Ҳиндистон
11	Осака	17,5	Япония
12	Қоҳира	15,7	Миср
13	Шанхай	14,9	Хитой
14	Калькутта	14,7	Ҳиндистон
15	Москва	14,5	Россия
16	Буэнес-Айрес	13,5	Аргентина
17	Лондон	12,5	Буюк Британия
18	Техрон	12,2	Эрон
19	Карачи	12,0	Покистон
20	Дакка	11,9	Бангладеш



## ДУНЁНИНГ ЭНГ ЙИРИК МЕГАЛОПОЛИСЛАРИ

№	Мегалополислар номлари	Агломерациялар сони	Аҳолиси сони, млн.к	Майдони, минг. км.кв	Аҳоли зичлиги, 1 км <sup>2</sup> /киши	Узунлиги, км
1	<b>БОСВАШ</b> (Бостон–Вашингтон)	40	45	100	450	800
2	<b>ЧИПИТС</b> (Чикаго–Питсбург)	35	35	160	220	900
3	<b>САН-САН</b> (Сан-Диего–Сан-Франциско)	15	18	100	180	800
4	<b>ТОКАЙДО</b>	20	55	70	800	700
5	<b>АНГЛИЯ</b> (Лондон–Ливерпул)	30	30	60	500	400
6	<b>РЕЙН</b> (Рондштад-Рейн–Рур-Рейн-Майн)	30	30	60	500	500

## Keys-stadi haqida tushuncha



- Keys-stadi inglizcha *case – study* – aniq vaziyat, *study* – talim ovslarining birligidan h'osil qilingan bo'lib, aniq vaziyatlarni o'rganish, tah'lil etish va ijtimoiy ah'amiyatga ega natijalarga erishishga asoslangan talim metodidir. Mazkur metod muammoli talim metodidan farqli ravishda real vaziyatlarni o'rganish asosida aniq qarorlar qabul qilishga asoslanadi. Agar u o'quv jarayonida ma'lum bir maqsadga erishish yo'li sifatida qo'llanilsa, metod xarakteriga ega bo'ladi, biror bir jarayonni tadqiq etishda bosqichma-bosqich, malum bir algoritm asosida amalga oshirilsa, texnologik jih'atni o'zida aks ettiradi.

## Keys-stadining o'ziga xosliklari

1. IZLANISHGA DOIR FAOLIYATNING MAVJUD BO'LIHI.
2. JAMOAVIY VA GURUHLARDA O'QITISH.
3. INDIVIDUAL, GURUHLI VA JAMOAVIY ISH SHAKLLARI INTEGRATSIYASI.
4. XIL-XIL O'QUV LOYIHALARINI ISHLAB CHIQISH.
5. MUVAFFAQIYATGA ERISHISH UCHUN TALABALARNING O'QUV-BILISH FAOLIYATINI RAG'BATLANTIRISH

